КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

▲ № 254 (5858). 25 декабрь, 1976 йил ШАНБА Баҳоси 2 тийин.

МУНОСИБ БАҲО

Шу кунларда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари — ўртоқ Леонид Ильич Брежнев туғилган кунининг етмиш йиллиги ҳамда Ватаннинг энг олий мукофоти — Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамонининг иккинчи «Олтин юлдуз» медали топширилиши муносабати билан уни мамлакатимиздаги меҳнаткашлар, барча қитъалардаги софдил кишилар табриклаб, яхши истакларини изҳор этмоқдалар, республика олимлари уларнинг овозига яқдиллик билан қўшиладилар.

Биз, жамият ривожланиш қонуниятларини чуқур ўрганувчи кишилар Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети раҳбарлигида қадимий ўзбек диёрида кишини ҳайратда қолдирадиган нақадар катта ўзгаришлар содир бўлганлигини, меҳнат аҳли қандай зафарларга эришганлигини ва эришаётганлигини айниқса яққол кўриб турибмиз. Бугунги Ўзбекистон қўлга киритган ана шу барча муваффақиятларда Леонид Ильичнинг шахсан қўшган жуда катта ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаб ўтишни хоҳлаймиз. Чинакам ленинчи коммунистнинг, партия ва давлатимизнинг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби бўлган Л. И. Брежневнинг бутун жўшқин фаолияти ҳар биримиз учун ёрқин илҳомбахш намунадир.

С. СИРОЖИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице президенти.

ПАРТИЯГА, ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ НАМУНАСИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамонининг иккинчи «Олтин юлдуз» медали билан мукофотланганлиги тўғрисидаги хушхабар Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари сингари биз, тўқимачиларни ҳам ғоят қувонтирди. Бу мукофотда экономика ва маданиятни ривожлантириш учун, совет халқининг фаровонлигини ўстириш, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун ғоят кўп иш қилган партиямиз раҳбарига бўлган умумхалқ ҳурматэҳтиромни ўз ифодасини топди.

Тинчлик — яхши ниятли кишиларнинг ҳаммаси учун ғоят азиздир. Бизнинг осмонимиз беғубор, мусаффо экан, барча қитъаларда илиқ муносабатлар сезилар экан — буларнинг ҳаммасида кескинликни юмшатиш ишига жуда катта ҳисса қўшган Леонид Ильичнинг буюк хизмати бор.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари бизларнинг ҳаммамиз учун партияга, халққа садоқат билан хизмат қилишнинг намунасини кўрсатмоқда, чинакам ленинчи коммунист қандай бўлиши кераклиги намунасини кўрсатмоқда. Леонид Ильичнинг битмас-туганмас ғайрати, унинг самарали ва жўшқин фаолияти бизларни зардбор меҳнатга руҳлантирмоқда. Масалан, мен ўнинчи беш йилликни уч ярим йилда бажараман деб сўз бердим. Ҳозир мен 1977 йил июнь ойи ҳисобига маҳсулот бермоқдаман. Бизнинг меҳнатимиз жонажон Ватанимизни гуллатиб-яшнатишга, Совет давлатимизнинг куч-қудратини мустаҳкамлашга қаратилган.

Дилбар ҚУЛМАТОВА,
Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси.

Беш йилликнинг ёш гвардиячилари

МАЪМУРАНИНГ ЗАРБДОР ОДИМИ

ЎШАНДА турли дастгоҳлар, машиналарнинг гуриллаган ҳар хил товушлари ҳам, юзлаб ишчилар ҳам, умуман ҳамма нарса қизни чуқур ҳаяжонга солган, ҳозирга келиб унга қадрдон, бўлиб қолган цех жуда сершовқин кўринган эди. Лекин Маъмура ҳаётнинг тўлқинларида чайқалмади, ўз йўлини тезда топиб олди.

Маъмура Тошкентдаги 5-ҳунар-техника билим юртида ўқиб юрган чоқларидаёқ «Қизил тонг» фирмасида ишлашни орзу қиларди.

Уни Ранса Владимировна Гурецкая шогирдликка қабул қилди, меҳрибон, талабчан устоз сифатида тикувчилик сирларини ўргата бошлади. У ўз устозини онасидай ҳурмат қилади. Чунки, Ранса Владимировна Маъмуранинг етук, ҳақиқий ишчи бўлиб етишишида жуда кўп жон куйдирди. Шогирдлик пайтларида унинг ишларини минут сайин кузатиб борарди ва эринмасдан хатоларини тузатар, тушунтирарди. Устози бир иш кунида икки кишининг ишини бажарарди ва шу билан бирга Маъмурага ҳам қарашарди. У қизнинг қалбида биринчи бор инсонга, қаётга, меҳнатга муҳаббат туйғуларини уйғотди.

Цех озода, сменада 386 ишчи ишлайди. Бош мастер — Мария Гликман бошлиқ эркаклар кийими тикиш бригадасида 80 нафар чевар бор. Бригада аъзоларидан 40 киши коммунистик меҳнат зарбдори. Шарифа Мавлонова, Маъмура Пўлатова, Тўхтахон Муродова, Мавжуда Собитова, Люба Червоненко кабн тикувчилар номини ҳамма ҳурмат билан тилга олади.

Маъмура коллективни жонидан севади. Шунинг учун ҳам жамоат ишларида актив қатнашади. Шунингдек, «Қизил тонг» тикув бирлашмасининг халқ контроли комитетининг аъзоси, комсомол комитети бюросида ўсмирлар секторини бошқаради. У яна фирма партия бюросининг аъзоси, цех партия ташкилоти секретарининг ўринбосари. Эҳ-ҳе, нимасини айтасиз, Маъмуранинг ишлари бошидан ошиб ётибди. Аммо у ҳаммасига улгуради. Цех ишчиларининг 70 процентн комсомол-ёшлар. Улар ишлаш билан бирга мактаб, техникум ва олий ўқув юртларида ўқишади. Маъмура янги келган ёш қизлар билан техника хавфсизлиги, дастгоҳлар, тикув операциялари ҳақида тушунтириш ишларини олиб боради.

Маъмура Пўлатова Ўзбекистон ССР Олий Советнинг депутати. Депутатлик фаолиятида ҳар хил масалаларни қараб чиқишга тўғри келади. Қўлидан келганича ижобий ёндошади. Маъмуранинг аралашуви билан 40 дан зиёд ишчи онласи янги уйларга кўчиб ўтди. У депутат сифатида кишиларнинг орзуўйларини тушуниб етишга, имкони борича ёрдам беришга, ташаббускорларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилиб, юрт ишончини оқлаш учун бутун ёшлик куч-ғайратини, шижоатини ишга солмоқда.

— Болалигимда орзуларим беқиёс эди, ҳамма нарсага қизиқар эдим. Гоҳ ўқитувчи, гоҳ учувчи, гоҳ врач, гоҳ журналист бўлишни орзу қилардим. Энди қўлимга игна-ип олиб, тикувчиликни ўрганаётган пайтларимда дадамларнинг тоблари йўқ эди. Уларга иссиқроқ камзул тикиб бериш иштиёқи туғилди менда. Ўзим ҳаракат қилиб, ўлчаб, бичиб, бир амаллаб тикиб бердим. Дадамлар камзулни кийиб олдиларда, «Ўҳу, зўр-ку! Қандай яхши, қандай соз! Ўзимизнинг қизимиз чевар бўлиб қолибдику, билмабмизда» дедилар. Хаста дадам шундай деб, жуда суюндилар...

Маъмуранинг ўнинчи беш йилликда режалари катта. У бир беш йилликда икки беш йиллик шахсий топшириғни бажариб, икки барабар меҳнат унумдорлигига эришиш ниятида. Бундан ташқари, бу йил уч шогирдни тарбиялаб, уларни илғор ишчилар сафига қўшади. Шогирди Маъруфа Шарипова ҳозир мустақил ишлашга ўтди.

Маъмура Пўлатова ҳозир 1977 йил ҳисобига ишламоқда. Мусобақадоши, илғор ишчи Т. Соколова ҳам юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Улар маҳсулот сифатига алоҳида эътибор беришяпти. Ўзбекистон ССР Олий Советнинг депутати Маъмура Пўлатова барча имкониятлардан фойдаланиб, коммунистга хос зарбдор меҳнат намунасини намойиш қилмоқда.

С. РАҲМОНОВ.

ҒОЛИБЛАРГА МУКОФОТ

Пахта териш машиналари механик-ҳайдовчилари республика мусобақасининг якунлари чиқарилди. Энг яхши механизаторлардан 36 киши республика қишлоқ хўжалиги министрлиги, тармоқ касаба союз Марказий Комитети ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети телевиденне ва радиоэшиттириш Давлат комитетнинг мукофотларини олди. Мусобақа ғолиблари орасида Тошкент область, Қуйи Чирчиқ районидаги «Ленинград» колхозидан Сафар Худойберганов ва бошқалар бор.

Бўстонлиқ районидаги ремонтчи-токари Турдиали никасини ремонт қилишда смена топшириқларини 125 да. Суратда: Т. Исоқов иш Жданов номли колхознинг Исоқов қишлоқ хўжалик техактив иштирок этаётир. У процентга етказиб бажармоқ устида.

И. Портнов фотоси.

ЯКУНЛАР ВА РЕЖАЛАР

Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили муваффақиятли якунланаётганлиги, хўжалик ва бригадаларда айни кунларда амалга оширилаётган ишлар ҳақида «Тошкент ҳақиқати» газетаси редакциясига жойлардаги жамоатчи ва штатсиз мухбирлар хабар беришади:

КАЛИНИН. «Дамачи» балиқчилик хўжалиги коллективи бу йилги план ва топшириқларни муддатидан илгари бажардилар. Давлатга планда кўзда тутилган 7 минг центнер ўрнига 7100 центнер тирик вазндаги балиқ топширилди, ёки 581 минг сўм ўрнига 600 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Хўжалик аъзолари йил охиригача яна 2 минг центнер балиқ етказиб бериш мажбуриятини қабул қилдилар.

С. СУЛАИМОНОВ.

ЧИНОЗ. Охунбобоев номли колхознинг Турсуной Раимова бошлиқ бригада аъзолари келгуси йил мўл ҳосили учун ҳар йилгидан ҳам пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Бригада аъзолари бу йил 110 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил кўтардилар. Уларнинг ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили учун белгиланган марралари — ҳар гектар майдондан 50 центнерга етказиб «оқ олтин» йиғиб олишдир. Бригада аъзоларининг бугунги ишлари ана шу улкан марани эгаллашларидан далолат бериб турипти.

Д. ЗИЯЕВА,
Б. ТУРДИЕВ.

БЎКА. Ҳамза номли колхоз далаларига маҳаллий ўғит чиқариш ишлари қизғин давом эттирилмоқда. Бу ишни колхоз комсомол-ёшлари ўз оталиғига олганлар. Комсмол-ёшлар юкловчи механизмлар ва трактор транспортларини бетиним ишлатиб, ҳар куни 100—110 тоннадан маҳаллий ўғитни далага чиқармоқдалар.

К. МАВЛОНОВ.

ОҚҚУРҒОН. Карл Маркс номли колхознинг механизаторлари ремонт устахоналарида унумли меҳнат қилишмоқда. Шу кунгача ремон талаб қиладиган агрегатларнинг 75 процентдан кўпроғи созлаб бўлинди. Агрегатларни сифатли ремонт қилишда колхоз слесарларидан Норқул Нишонов, Кўчқор Қаламбоев, Тўран Норбековлар жонбозлик кўрсатишмоқда.

Т. ЗОКИРОВ.

ТОШКЕНТ. Собир Раҳимов номли колхознинг И. Неъматов бошлиқ бригада сабзавоткорлари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилини муваффақиятли якунладилар. Улар қабул пунктларига 340 тонна узум, 120 тонна олма, 30 тонна карам, 130 тонна ош лавлараси ва бошқа кўплаб сифатли маҳсулотлар етказиб беришди. Бу план ва мажбуриятда кўзда тутилганидан анча кўпдир. Бригада аъзолари айни кунларда келгуси йил ҳосили учун пухта ҳозирлик кўришмоқда. Ерлар шудгорланди, ариқ-зовурлар тозаланмоқда.

С. НИШОНБОЕВ.

ЮТУҚЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

«Ленин йўли» колхози Бўка райсидаги йирик пахтачилик хўжаликларидан бири. Бу йил колхоз аъзолари мавжуд 1660 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 31,8 центнердан ҳосил кўтардилар. Қабул пунктларига етказиб берилган 5280 тонна «оқ олтин»нинг 95 процентн биринчи сортларга сотилди. Шунингдек, колхозда давлатга пилла, чорвачилик маҳсулотлари сотиш йиллик планлари ҳам муддатидан илгари бажарилди. Яқинда мухбиримиз шу хўжалик мутахассислари ва аъзолари билан ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили якунлари, келгуси йил режалари ҳақида суҳбатлашди.

Жўра НАСРУЛЛАЕВ — бош агроном.

Пахтачилик хўжалигимизнинг етакчи тармоғи ҳисобланади. Колхозимиз аъзолари йилдан-йилга ҳосилдорликни ошириш йўлидан бормоқдалар. Ўтган тўққизинчи беш йилликда хўжалигимиз бўйича планда кўзда тутилган 20650 тонна ўрнига 23700 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида планда кўзда тутилганидан 260 тонна «оқ олтин» топширдик. Ҳосилдорлик пландаги 30 центнер ўрнига 31,8 центнер бўлди. Лекин, кам албатта. Ҳосилдорликни 35—38 центнерга етказиш учун бизда реал имкониятлар бор.

Бу йил баъзи бригадаларда ғўза сувдан кечиктирилди. Натижада ниҳоллар меъёридан кўп шона ташлади. Натижада шу бригадаларда ҳосилдорлиқ камайиб кетди.

Йўл қўйилган камчиликлардан тегишли хулосалар чиқариб олдик. Кадрлар масаласига алоҳида аҳамият бераяпмиз. Йиллик пахта тайёрлаш планини бажара олмаган бригадалардаги мавжуд аҳвол тўлалигича ўрганилди. Бу коллективларга Турғунбой Туронов, Котиб Шоҳимардонов сингари тажрибали деҳқонлар бошлиқ қилиб тайинланди.

Келгуси йилга тайёргарлик ишлари кучайтирилди. Хусусан шудгорлаш ишларини барвақт ва сифатли тугалладик. 1950 гектар майдоннинг ҳаммаси икки ярусли плугларда ҳайдалди. Бу ерларга 2700 тонна маҳаллий ўғит чиқарилди, белгиланган миқдорда минерал ўғитлар сепилди.

Толи АЗИЗОВ — бригада бошлиғи.

Биз бу йил 86 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 41 центнерга етказиб ҳосил кўтардик. Эришилган бу ютуқнинг бош омили мусобақада. Уста деҳқон Робия Каримова бошчилик қилаётган мусобақадош бригада аъзоларнинг ҳам умумий фикрлари ана шундай. Улар 116 гектар майдондан 36 центнердан ошириб «оқ олтин» йиғиштириб олишди. Йил давомида биз бир-биримизга амалий ёрдам кўрсатиб келдик. Камчиликларимизни ўз вақтида бартараф этишда кўмаклашдик.

Бу икки бригада ўртасидаги мусобақа келгуси йилда ҳам давом этади. Мен етакчилик қилаётган бригада аъзолари мақсадлари эллик центнерлик маррани эгаллашдан иборат. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Ғўза парваришида агротехника тадбирларини ўз вақтида амалга ошириб, техникадан кенг фойдаланамиз.

Обид ШОҲИМАРДОНОВ — бош инженер.

Бу йил колхозимизда пахта тайёрлаш йиллик плани қисқа муддат ичида бажарилиши ҳам техника туфайлидир. Терим мавсумида ўттизта агрегат баробарига ишлаб турди. Ҳар бир машина билан ўрта ҳисобда 140 тоннадан пахта териб олинди. Механизаторлар ўртасидаги мусобақада ўз агрегати бункеридан 222 тонна «оқ олтин» тўккан Сейяр Ҳасанов, мавсумда 160 тонна пахта терган Карим Муҳаммадқуловлар ғолиб бўлишди. Колхоз бўйича жами ҳосилнинг 89 процентн техника воситасида териб олинди. Бу пахта ҳосилини юқори сортларга сотиш имконини берди.

Техника туфайли ерларимизни районда биринчилар қаторида сифатли шудгорлаб қўйдик. Ҳозирги кунда эса механизаторларимиз колхознинг марказлаштирилган устахонасида ремонт ишлари билан машғул. Капитал ремонт талаб қиладиган тракторлар «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг устахонасига юборилди. Ремонт ишида сифатга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Чопиқ тракторлари, бороналар, сеялка, чизель ва ҳайдов тракторларини 15 январгача дала ишларига шай қилиб қўйишни планлаштирдик. Бугунги ишлар ана шу планга асосан олиб борилмоқда.

Техникадан фақат деҳқончиликда эмас, чорвачиликда ҳам кенг фойдаланмоқдамиз.

Анор УСМОНОВА — сут соғувчи.

Бош инженер ҳақ гапни айтди. Фермамиздаги ишларнинг асосий қисми механизмлар зиммасига юклатилган. Бу эса бизнинг меҳнатимизни осонлаштирмоқда, ютуқларимизни мустаҳкамламоқда. Натижада колхозимизда чорвачилик рентабеллик соҳага айлантирилди. Ютуқларимиз меҳнатимизга яраша бўлмоқда. Давлатга гўшт сотиш йиллик планини бажарганмиз. Говмушлардан бузоқ олиш плани ҳам барвақт уддаланган.

Колхозимизда 207 бош соғин сигир бор. Йиллик планга мувофиқ ҳар бир сигирдан 2824 килограммдан сут соғиб олиниши керак эди. Биз бу планни аллақачоноқ бажариб қўйганмиз. Ҳозиргача ҳар бош сигирдан 3200 килограммдан сут соғиб олдик.

Дугонам Саодат Содиқова билан беллашиб меҳнат қилмоқдаман. Ҳар иккимиз ҳам қарамогимиздаги 18 бош говмушдан 3350 килограммдан сут соғиб олдик. Шунисн қувончлики, колхозда ишлаб чиқарилаётган сутнинг аксарияти юқори сортларга сотилмоқда.

...Колхозда қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантиришга жиддий эътибор берилаётганлиги ҳар бир соҳа мутахассислари ва колхозчиларнинг касб-маҳоратларини ошираб бориш деҳқончиликдан келаётган даромадни йилдан-йилга кўпайтирмоқда. Дастлабки ҳисобларга кўра, бу йил колхозда 4 миллион сўмдан ошиқ даромад олиш кўзда тутилмоқда. Колхозчиларнинг меҳнатлари эвазига қўлга киритилаётган бу маблағлар уларнинг моддий фаровонлигини ошириш, турмуш шароитларини яхшилашга сарф қилинмоқда.

Р. ШЕРАЛИЕВ.

ДАВРИМИЗНИНГ БАДИИЙ ЙИЛНОМАСИНИ ЯРАТАЙЛИК

Ўзбекистон рассомларининг XI съезди Тошкентда икки кун давом этди. Тасвирий ва халқ амалий санъати ранг-баранг турлари ва жанрларининг намояндалари кейинги йиллар ичидаги ижодий фаолиятни якунладилар. КПСС XXV съезди қарорларида рассомлар олдига қўйилган вазифаларни белгилаб олдилар.

Съездда ёшлар ижодига катта эътибор берилди. Ўзбекистон рассомлар союзининг ёшлар бирлашмаси ҳисобида юздан ортиқ киши бор. «Мамлакатнинг ёшлиги» мавзуидаги Бутуниттифоқ кўргазмасининг иштирокчиларидан бир неча киши СССР рассомларининг дипломлари билан мукофотланди. Делегатлар рассомлар фаолиятида ҳали мавжуд бўлган камчиликларни кўрсатиб, уларни тугатиш йўлларини белгилаб олдилар.

Съездда ўнинчи беш йилликнинг улуғвор планларини амалга оширишга ўз кучғайратлари ва истеъдодларини бағишлаш, бутун совет халқи янги меҳнат зафарлари билан 60 йиллигини нишонлайдиган Октябрь революцияси Ўзбекистон диёрига олиб келган буюк ўзгаришларни ўз санъати воситаси билан тасвирлаш республика рассомларининг фахрли бурчи эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Съезд Ўзбекистон рассомлар Союзининг раҳбар органларини сайлади. СССР рассомларининг V съездига делегатлар сайланди.

24 декабрда Ўзбекистон рассомлар союзи правлениесининг пленуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқ рассоми, СССР рассомлар Академиясининг мухбир аъзоси Раҳим Аҳмедов правление президиумининг раиси қилиб сайланди.

(ЎзТАГ).

Оҳангарондаги «Пластмасса буюмлари комбинатининг технологик қурилма аппаратчиси Деҳқон Умаров турар-жой бинолари учун қурилиш материаллари тайёрлайди. У қисқа вақт ичида ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишди ва бугунги кунда 1977 йил ҳисобига маҳсулот топширмоқда.

МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

Республика табиат музейи коллективига «Ҳурмат белгиси» ордени топширилди. Ўзбекистондаги бу кекса илмий муассаса меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, табиий-илмий билимларни кенг пропаганда қилиш соҳасидаги катта хизматлари учун ва ташкил этилган кунига 100 йил тўлиши муносабати билан шу мукофотга сазовор бўлди.

Тантанали йиғилиш иштирокчилари — олимлар, маданият ва халқ маорифи арбоблари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари музей ходимларини самимий табрикладилар.

(ЎзТАГ).

АҲМАДЖОН САЛИМОВнинг ОЛМАЛАРИ

Тошкент область «Юқори Чирчиқ» совхозидаги Аҳмаджон Салимовнинг боғидаги олма дарахтлари қишдан қўрқмайди. Бу дарахтларнинг шохлари ҳаддан ташқари қор босишидан, қаҳратон совуқдан синиб кетмайди. 60 гектар майдондаги ҳар бир туп дарахт шохлари остига авайлаб айри қўйилган. олма шоҳлари эҳтиётлик билан ўраб қўйилган.

Коммунист Салимов 10 йилдан буён боғдорчилик бригадасига раҳбарлик қилади. Унинг боғида совхозидан энг серҳосил олмалар етишган. Аҳмаджон Салимов тўққизинчи беш йилликда жуда яхши меҳнат қилганлиги учун ўтган йили учинчи даража Меҳнат Шуҳрати ордени билан мукофотлангани бежиз эмас.

Илғор бригада бу йил ҳам районда энг юқори меҳнат унумдорлигига эришди. Коллективнинг ҳар бир аъзоси мажбуриятда кўзда тутилганидан 9 тонна, топшириқда мўлжалланганидан бир ярим баравар кўп, яъни 45 тоннадан олма йиғиштириб берди. Боғдаги ишларнинг деярли ҳаммаси техника ёрдамида бажарилади. Аммо баъзи бир юмушларни механизациялаш анча қийин. Масалан, олма дарахтларини буташни олайлик. Ишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ана шу агротехника усулига боғлиқ. Олма шоҳлари яхши буталмаса танаси мустаҳкам бўлмайди. Шунинг учун ҳам боғбонлар олмани кузда тез ва моҳирлик билан бутадилар.

Ҳозир Салимовнинг боғида 40 минг туп дарахт бор. Асосий иш кўкламда бошланади. 1977 йилда мўл ҳосил етиштириш учун ҳали кўп иш қилиш керак. Келгуси йилда 950 тонна мева олиш мўлжалланмоқда. Бригада беш йиллик топшириқни тўрт йил ичида бажаришга аҳд қилди.

«Узплодоовощвинпром»га қарашли совхозларнинг кўпгина боғдорчилик бригадалари ҳозир беш йилликнинг иккинчи йили учун мажбуриятлар олишмоқда. Боғларда ўрта ҳосилдорликни беш центнер кўпайтириш мўлжалланмоқда. Ҳар бир бригададаги мавжуд резервлар бу мажбурият бажарилишининг гаровидир.

С. ГРЕБЕНЮК,
ЎзТАГ мухбири.

ЯХШИ ДАМ — МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Бу йил «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг 70 ишчиси дам олиш уйида, 50 киши санаторийларда, 70 киши туристик йўлланма билан ўз меҳнат отпускасида ҳордиқ чиқарди. Ишчи ва хизматчиларнинг бўш вақтларини намунали ўтказиш соҳасида олиб борилаётган тадбирлар меҳнат унумдорлигини оширишда ёрдам бермоқда.

Ишчилардан М. Исабоева, М. Мақсудова, Л. Исроилова ва бошқалар 1976 йил планини муддатидан анча илгари бажардилар. Зарбдор меҳнатлари туфайли бу илғорлар Ватанимизнинг қаҳрамон шаҳарлари билан танишиб қайтишди. Бир қатор ишчилар эса «8 март», «Ботаника», «Сочи», «Чортоқ» сингар санаторийларда ўз саломатликларини мустаҳкамладилар. Ҳозир бу ишчиларнинг аксарияти янги йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

Бирлашма маъмурияти шанба ва якшанба кунларини мазмунли ўтказишга ҳам алоҳида аҳамият бермоқда. Трикотажчилар дам олиш кунларида областимизнинг хушманзара ерларига чиқмоқдалар. Чимён бағрида мириқиб ҳордиқ чиқармоқдалар.

Яхши дам меҳнатда яхши ютуқларни қўлга киритишда ёрдам бериши ҳаммага маълум. Буни бирлашма фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Трикотажчилар суръатга-суръат қўшиб, пландан ташқари қарийб 2 минг сўмлик буюмларни реализация қилдилар.

С. СУЛТОНОВ.

МАМЛАКАТДА БИРИНЧИ БЎЛИБ

Газалкент тошга қайта ишлов бериш комбинатида рационализаторлик таклифлари ва ишлаб чиқариш машиналарини модернизация қилишга катта аҳамият берилади. Корхона рационализаторларининг бир неча таклифлари амалга ошиб, ишчи кучи тежалди, меҳнат унумдорлиги ошди.

Яқинда корхона бош инженери А. Носиров ва бош механиги В. Фриц мармарга ишлов беришнинг янги технологиясини яратдилар. Эндиликда комбинатда мамлакатда биринчи бўлиб мармарга матрицалар орқали безак берилмоқда. Янги технология авторлари ультра товушлар ёрдамида тошга гул чизиш мумкин эканлигини амалда исбот қилдилар. Ҳозир корхона ишчилари ультратовуш ёрдамида мармарларга нақш бермоқдалар.

Аввалларида бир дона мармарга ишлов бериш учун соатлаб вақт талаб қилинарди. Энди эса бир ишчининг ўзи бир соатда 15 га яқин мармарни қўлдан чиқармоқда.

▲ ОҲАНГАРОНДАГИ Пластмасса буюмлари комбинатида йирик диаметрдаги поливинихлорид қувурларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Янги маҳсулот қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва ирригация тармоқларида кенг қўламда ишлатила бошланди. Суратда: корхона ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Саидхон Беклоров. У икки йиллик норматив бажарди.

В. Сироткин фотоси.

ЙИЛЛИК ПЛАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Ўнинчи беш йилликнинг олдида турган асосий вазифаларидан бири — ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш натижасида халқ фаровонлигини, меҳнаткашлар турмуш даражасини яна ҳам яхшилашдан иборатдир. Ҳозирги даврга келиб совет турмуш тарзи ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгича манзара касб этмоқда. Яъни, шаҳар ва қишлоқларимиз ҳуснига-ҳусн қўшиляпти, кишиларимиз маънавий камолоти тобора ривожланиб бормоқда. Шунингдек, хонадонларимиз ҳам файзли, кўркам ва маданий кўриниш касб этмоқда. Замонавий рўзғор жиҳозлари, айниқса турли-туман мебеллар уйларимиздан тобора кўпроқ ўрин эгаллаб, кишиларга қулайликлар яратмоқда.

— Ана шуларнинг барида кичкинагина коллективимизнинг муносиб ҳиссаси борлигидан фахрлансак арзийди,— дейди Тошкент мебель—ойна фабрикасининг директори Карим Имомбердиев.— Ҳозирги кишиларнинг диди нозик. Ана шу кишиларимизга маъқул ва манзур бўладиган рўзғор жиҳозлари ишлаб чиқариш биз мутахассислардан катта маҳорат ва масъулият талаб қилади.

Фабрика коллективи самарадорлик ва сифат беш йиллигининг биринчи йилини зарбдор суръат билан бошлаган эди. Бу суръат ҳануз-гача пасайгани йўқ. Ҳар бир ишчи ўз зиммасига оширилган шахсий мажбурият олиб, меҳнат қилмоқда. Бир беш йилликда икки беш йиллик шахсий топшириғини бажариш ташаббусига қўшилган зарбдор ишчилар Маҳкам Худойбердиев, Лазерь Тульчинский, Тўхта Тўрабоева, Ҳосият Абдураимова, Тося Ждановалар йиллик нормаларини муддатидан анча илгари бажаришди.

Фабрикада трюмо, сервант, кийим жавони ва бошқа шу хил мебеллар учун ойналар ишлаб чиқарилади. Ҳар ойда план бўйича 270 минг сўмлик маҳсулот тайёрланиши лозим. Кунлик ва ҳафталик топшириқларини мунтазам ошириб бажараётган коллектив ҳар ойда 300 минг сўмликка яқин маҳсулот етказиб бермоқда. Бу корхонада тайёрланаётган мебель ойналари республикамиздаги қўплаб шаҳарларга, жумладан Андижон, Ўрганч, Бухоро мебель корхоналарига етказиб берилади. Шунингдек, Ўрта Осиёдаги йирик мебель корхоналаридан ҳисобланган Тошкент «Шарқ» мебель фирмаси, Сергелидаги янги ишга тушириган мебель комбинати ҳам бу фабриканинг доимий мижозларидир.

Ҳар бир ишчининг маҳоратини ошириш, қолоқларсиз ишлаш каби ташаббусларнинг кенг қулоч ёйиши, илғор иш усулларидан фойдаланиш, ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларининг жорий этилиши коллективимиз ютуғининг асосий омилларидир. Фабрика ишчи ва хизматчилари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили планини муддатидан анча илгари — 8 декабрда бажарганликлари тўғрисида рапорт беришди. Йил охиригача планга қўшимча 210 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришади.

Х. АЛИМОВ.

ЖАМОАТЧИ СЕКРЕТАРЬ

Муродулла Қодиров Охунбобоев номли колхозда комсомол комитетининг секретари бўлиб ишлаётганига кўп бўлгани йўқ. Аммо шу қисқа вақт ичида у ўзининг активлиги билан кўпчиликнинг ҳурматини қозонди.

Колхозда 140 дан зиёд комсомол аъзоси бор. Уларнинг ҳаммаси ўз вақтида комсомол ҳужжатларини янгилаб олдилар. Албатта бунда комсомол секретарининг ҳиссаси катта. У ёшлар ўртасида комсомол ҳужжатларини алмаштириш кампаниясининг аҳамияти ҳақида тушунтириш ишлари олиб борди. Бу билан районда комсомол билетини алмаштириш ишларини тез якунлашга ўз улушини қўшди.

Пахта йиғим-терими кампаниясида ҳам М. Қодиров комсомоллар ўртасида ўз намунаси билан актив фаолият кўрсатди. Ҳамма комсомол-ёшлар ҳосилни йиғиб-териб олишда уюшқоқлик билан қатнашдилар. Айни кунларда колхоз ёшлари янги йил режаларини тузмоқдалар.

А. АБДУСАМАТОВ,
Оққўрғон райони.

КЕЧКИ ТАЪЛИМ

ИШЧИ-ЁШЛАРГА ПУХТА БИЛИМ

«ҲАР ҚАНДАЙ ишда ишлаб турган ишчига ҳам, колхозчи-деҳқонга ҳам аввало билим керак, билим бўлса яшаш осон ва завқли бўлади»— дейилади мактаб Уставида.

Жонажон партиямизнинг XXV съездида кечки (сменали) ўрта мактабларнинг ишини янада яхшилаш зарурлиги уқтирилди. Бинобарин, кечки ва сиртқи таълим йиғит-қизларга билим беришнинг реал формаларидан бири сифатида йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Кечки мактаб ёшларни умумий ўрта таълимга ўтказишни муваффақиятли ҳал этишда муҳим босқич бўлиб қолди. Республикамизнинг пойтахти Тошкент шаҳридаги кечки (сменали) мактабларда ҳам таълим-тарбия ишларини яхшилаш, ишчи-ёшларда ўқиш ва маънавий камолат учун юксак масъулиятни тарбиялаш ҳамда уларнинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигини ошириш борасида анчагина ижобий ишлар қилинди. Бизнинг билим ўчоғимиз ташкил этилганига салкам ўттиз йил бўлиб қолди. Ўтган шу давр ичида унинг ўқув-моддий базаси мустаҳкамланди, бой тажрибалар тўпланди.

Дастлабки ўқув йилида мактабимизни ўн беш йиғитқиз тамомлаган бўлса, умуман ўтган давр ичида биз 1 минг 400 дан ортиқ ишчига етуклик гувоҳномасини бердик. Мактабимизни муваффақиятли тугатган, ҳозирда турли касб эгалари бўлиб ишлаб турган собиқ талабаларимиз билан фахрланамиз. Медицина фанлари кандидати доцент Тўхтамурод Файзуллаев, педагогика фанлари кандидати Мирқобил Мирқосимов, олима Малика Ҳодиева, инженер Бахтиёр Убайдуллаев, рубобчи Қобил Усмонов ва бошқалар ўзлари таҳсил кўрган жонажон мактаблари қучоғига, меҳрибон ўқитувчилари ҳузурига вақти-вақти билан келиб туришади. Ҳозирги талабаларимиз билан учрашиб, мазмунли суҳбатлар олиб боришади.

МАЪЛУМКИ, кечки мактабнинг ўқувчилари умумтаълим мактабининг талабаларидан фарқ қилади. Кечки таълим ўқувчилари асосан мустақил ҳаётга қадам қўйган, у ёки бу касбнинг этагини тутган йигит-қизлардир. Шу боисдан иш вақтидан сўнг ўқишга келган ишчи-ёшлар билан машғулот олиб боришда ўзига хос методик усуллардан фойдаланишга тўғри келади. Дарсларни мумкин қадар қизиқарли, жонли ва тажриба асосида кўргазмали ўтишга алоҳида аҳамият берамиз. Машғулотларнинг самарадорлигига эришиб, ҳар бир дарсда асосий мақсад ва ғояни ўқувчиларга тўлиқ сингдириш бизнинг муҳим вазифамиздир.

Ўқитувчи-кадрларни танлашда ана шу томонларни инобатга олиб, кечки таълим ишини яхши биладиган, тажрибали ва моҳир педагогларни мактабимизга жалб этганмиз. Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Ҳамид Охунов, кўп йиллик педагогик стажга эга бўлган Илёсхон Абдуқодиров, Борис Золотов, Татьяна Катаскова, Раъно Турсунова, Бахтиёр Убайдуллаев, Маҳмуд Юнусов, Турғун Мўминов, Назир Қурбонов сингари ўқитувчиларимиз ўқувчиларнинг ҳурматини қозониб келмоқдалар.

Мактабда ўқувчиларга фан асосларидан чуқур ва мустаҳкам билим бериш билан бирга ишчи-ёшларнинг ғоявий-сиёсий чиниқишларига, уларда коммунистик ахлоқни таркиб топтиришга ҳам алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Бунда синф раҳбарлари томонидан амалга оширилаётган турли тарбиявий тадбирлар қўл келаётир. Синф раҳбарлари ўзларининг тарбиявий иш планларида ўқувчилар ва ота-оналар билан олиб бориладиган ишларга кенг ўрин бераётирлар. Мактабда ишчи-ёшлар учун ташкил қилинаётган «Ишчи номи — улуғ ном», «Меҳнат ва билим эгизак», «Ёшлар ва маънавий қиёфа» каби тематик суҳбатлар катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бизда ташкил этилган ота-оналар активи ҳам намунали ишламоқда. Интизоми бўш, паст ўзлаштирувчи ўқувчилар билан индивидуал суҳбатлар ташкил қилинади. Ўқишда, юриш-туришда, жамоат ишларида намуна бўлаётган ёшларни рағбатлантириш чоралари кўрилади.

Бундай таълим-тарбиявий ишлар фақат мактабнинг ўзида эмас, айни бир вақтда ўқувчилар яшаб ва ишлаб турган жойларда ҳам ўтказила бошланди. Мактаб ўқувчилари томонидан пойтахтнинг «Алоқа», «Коммуна», «Суръат» каби маҳаллаларида ўтказилаётган савол-жавоб кечалари бевосита ёшлар ахлоқи масалаларига бағишланмоқда.

1975—1976 ўқув йилидан эътиборан мактабимиз ҳузурида сиртдан ва қатнаб ўқийдиган иккита группа очилди. Булар тўққизинчи синфлар бўйича бўлиб, ҳозир уларда қирққа яқин ўқувчи қўмоқда. Мактаб дирекцияси, илмий бўлим мудири ва ўқитувчилар группа консультацияларини планларини ишлаб чиқдилар. Индивидуал консультациялар, очиқ жадвал асосида ўтказилмоқда.

КЕЗИ КЕЛГАНДА шуни ҳам айтиш лозимки, кечки мактаб билан корхоналар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш керак. Бу ўринда қардош Белоруссиядаги «Гомельсельмаш» заводи иш тажрибаси диққатга сазовордир. Корхона ўз маблағи ҳисобига кечки мактабга янги бино қуриб берган, фан кабинетлари техника воситалари билан яхшилаб жиҳозланган. Бу ерда ташкил этилган кенгаш ёш ишчиларнинг умумий таълим савияси масалалари билан бевосита шуғулланади. Кечки мактабларга кўмаклашувчи комиссиялар тузилган, етакчи касблар бўйича маълумот минимуми белгиланган. Масалан, токарь учинчи-тўртинчи разряд олиш учун саккиз йиллик маълумотга, бешинчи разряд олиш учун ўрта маълумотга эга бўлмоғи даркор. Ўйлаймизки, шунга ўхшаш ибратли ишларни бизда ҳам кенг қўллаш фойдадан ҳоли бўлмайди.

«Ишчи-ёшларга — ўрта маълумот» деган шиорга педагогик коллективимиз доим амал қилаверади. Ишчи-ёшларга пухта билим бериб, уларни камолот сари етаклаш кечки таълим системасининг жонажон иши бўлиб қолади.

З. ҒАНИЕВА,
Тошкентдаги 10-кечки ишчи-ёшлар мактабининг директори.

ЯНГИ ЭКСПОЗИЦИЯЛАР

Академик М. Т. Ойбек номли Ўзбекистон халқлари тарихи музейида ремонт ишлари ниҳоясига етди. Музей экспозициясига жуда кўп янгиликлар киритилди.

Залларни айланар экансиз, уларнинг бутунлай янги кўринишга эга бўлганлигини пайқайсиз. Ўзбекистон Фанлар Академияси аъзоларининг ҳужжатлари, республика интернационал алоқаларига бағишланган залларга ўзига хос кўринишга эга. Музей экспозициялари ёнига «Ташсельмаш» заводининг ишчиси, КПСС XXV съезди делегати Маҳмуд Мўйдинов фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар қўшилган.

Иирик фан арбоблари монографиялари, илмий ишлари, тўпламлари, улар ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжат ва материаллар фан бўлимидан ўрин олган. Бу ерда Е. Тўрақулов, В. Қобулов, О. Ризаев ва бошқаларнинг асарлари билан танишиш мумкин. Фан бўлимида саноат маҳсулотлари кўргазмаси ҳам бор. Илм-фан ютуқларининг ишлаб чиқаришга тадбиқ этилганлиги тўғайли республикамиз корхоналари маҳсулотларининг сифати ошганлиги, самарадорликнинг ўсиб бораётганлигидан далолат берувчи экспонатлар эътиборни ўзига тортади.

Бу йил музей ташкил қилинганлигига 100 йил тўлди. Ана шу бир аср давомида мазкур фан ва маданият муассасаси кўпгина диққатга сазовор ишларни амалга оширди.

Музейда бажарилган ишлар ичида айниқса ганж-ўймакорлик ва нақкошлик намуналари диққатга сазовор. СССР Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР халқ рассоми Маҳмуд Усмонов ва унинг шогирдлари билан музейнинг биринчи қаватига бутунлай бошқатдан жило беришган. Ҳавоза ва шифтларга ўйиб ишланган нақшлар кишини ҳайратга солади.

Иккинчи қаватда эса темурийларга бағишланган зал жойлашган. Зал безаги ҳам ўша даврларни кўз ўнгингизга олиб келади. Бу ерни Қомилжон Каримов бошлиқ нақкошлар бригадаси безатди. Деворларга, ҳавоза ва шифтга берилган ранглар, нақшлар темурийлар даврига ҳамоҳанг жиловланиб турибди.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

КИНОФИЛЬМ ДАРС БЕРАДИ

Пойтахтимизнинг Октябрь райони мактабларида билим бериш-нинг янги-янги формалари излаб топилмоқда. Жумладан, олтита мактабда дарсда ўқув фильмларидан фойдаланиш йўлга қўйилди.

Мактабларни илмий-оммабоп ўқув фильмлари билан район маориф бўлимининг фильмотекаси таъминлаб туради. Киноленталар етишмай қолмаслиги учун зарур чоралар кўрилган. Фильмотекадаги фильмлар бир неча нусхада кўпайтириб қўйилган.

Шуниси диққатга сазоворки, ўқитувчилар фильмли дарсларни ўтказишда фақат ўз қучларидан фойдаланмоқдалар. Улар учун маориф бўлими ҳузурида махсус курслар очилган. Бу курсларда улар кино техникаси билан қандай муомала қилишни, фильмларни намойиш этишни ўрганиб қайтмоқдалар. Дарс беришнинг бу янги формаси яхши самара бермоқда.

Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилини кўплар қатори Бўстонлиқ районидаги «Қизил ту» колхозининг паррандабоқарлари ҳам муваффақиятли якунламоқдалар. Улар ҳозиргача давлатга 130 минг дона тухум етказиб бериб, социалистик мажбуриятларини бажардилар. Суратда: колхознинг илғор паррандабоқари У. Унербаева.

И. Портнов фотоси.

КОРХОНА, МУРАББИЙ, ШОГИРД

ЯҚИНДА Тошкент область комсомол комитетида «Ташсельмаш» заводидаги мураббийлик ҳаракатининг ўрганиш бўйича кенгаш бўлиб ўтди. Унда завод мураббийлар кенгашининг раиси Г. Демидов сўзга чиқиб, бу борада қўлга киритилган ютуқ ва камчиликлар, келгусида амалга ошириладиган ишлар ҳақида маърўза қилиб берди.

Маълумки, мураббийлик ҳаракати ўнинчи беш йиллиқнинг дастлабки йилида областимиздаги барча саноат корхоналарида, қурилиш ташкилотларида ва бошқа муассасаларда кенг қулоч ёйди. Бу ҳаракатга кўп коллективларда зўр эътибор бериб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш корхонага янги келган ёш йигит ёки қизни тарбиялашда муҳим нарса деб қараляпти.

«Ташсельмаш» заводида мураббийлик ҳаракати ҳақиқатан ҳам намунали йўлга қўйилган. Буни ўз атрофига ветеран ишчиларни, тажрибали мутахассисларни бирлаштирган Мураббийлар кенгаши фаолиятида кўриш мумкин. Уларнинг тинимсиз изланишлари, ёшларни меҳнат анъаналари ва коммунистик идеаллар руҳида тарбиялашда янги-янги усулларни қўллашлари диққатга сазовор натижалар бермоқда.

Мураббийлар кенгашининг яқинда амалга оширган бир тадбири айниқса эътиборга лойиқ. Улар махсус саволлар ёзилган карточкалар тайёрлаб бу карточкаларни корхонадаги барча ёш йигит ва қизларга тарқатишди. Унда жумладан, «Сизга мураббий керакми?» деган савол ҳам бор эди. Бу саволга ёш ишчиларнинг 80 фоизи, «ҳа, бизга мураббий керак» деб жавоб беришган. Бу эса мураббийлик ҳаракатининг шунчаки бир гап эмаслигини, бунга жиддий киришиш лозимлигини кўрсатиш билан бирга мураббийлар зиммасига улкан масъулият ҳам юклади. Мана шу карточкадаги саволларга берилган жавоблардан маълум бўлишича, кўпгина ёш ишчилар ўзларига бузуқ ёки эски дастгоҳлар бериб қўйишганини, бунинг натижасида маошлари кам бўлаётгани ва оқибатда оз фурсатда бошқа участкага ўтказишлари ёки ишдан бўшатишларини сўраб ариза ёзишга мажбур бўлганликларини айтишган. Бу жуда муҳим масала. Муҳимлиги шундаки, корхонага техника билим юртини эндигина тугатиб келган ёки кечагина мустақил ишлашга ўтган ёшларнинг ҳаммасига ҳам янги машина ёки станоклар топшириб қўйишнинг иложи йўқ. Бунга бир томондан ана шу бўш турган янги техниканинг йўқлиги сабаб бўлса, иккинчидан ўша ёшларнинг ўзида ҳали бу машиналарни асраб-авайлаб ишлата олиш кўникмалари йўқ, деган тасаввурнинг мавжудлигидадир. Бундай тасаввур эса гоҳо тўғри, гоҳида нотўғри бўлиб чиқади. Мураббийлар кенгаши мана шу муаммоларни чуқур ўрганиб, ёшларнинг маҳоратига, лаёқатига яраша уларга иложи борича яхшироқ машина ва станокларни ажратишга ҳаракат қилишаяпти.

Корхонада мураббийлик ҳаракати бой тарихга эга. У биринчи беш йилликлар даврида, Россия Федерацияси ишчиларининг энг яхши вакиллари бу ерга келиб маҳаллий аҳолига турли техникавий касбларни ўргата бошлаганида ҳатто завод қурилаётганда бошланган эди. Ҳозирга келиб эса мураббийлик ҳаракати кенг қулоч ёйди ва янги мазмун билан бойиди. Энди тажрибали ишчиларнинг ёшларни оталиққа олишларидан мақсад ёшларни маҳоратли касб эгалари бўлиб етишишига эришиш ва уларни Ленин васиятларига содиқлик руҳида тарбиялаш. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев ВЛКСМнинг XVII съездида сўзлаган нутқида мураббийлик ҳаракатига катта баҳо берди. Бу ҳаракат оммавий ништиради. Бу ерда ёшлар ўзларининг ота-оналари ёки қариндош-уруғларининг суратлари билан ҳам танишишлари мумкин. Ёшлар айни кунларда ишлаб чиқариш зарбдорлари, машҳур кишилар бўлиб етишган ташсельмашчиларнинг мана шу даражага етгунча босиб ўтган ҳаёт йўллари тўғрисида ҳикоялар тинглашади.

Завод ҳузуридаги 14-ҳунар-техника билим юртида корхонанинг кўплаб собиқ ишчилари инструктор ва ўқитувчи вазифаларида ишлашмоқда. Яқинда уларнинг сафи яна бир кишига кўпайди. У меҳнат ветерани, мана шу билим юртининг биринчи битирувчиси, электр пайвандчи А. Эшмуродов эҳтиёж сезмаган киши ҳеч қачон бу ишнинг уддасидан чиқолмайди. Корхонадаги 428 мураббийнинг ҳаммаси ўз ихтиёрича ёш йигит ва қизларни оталиққа олишга жазм этган кишилардир. Улар орасида 90 коммунист ва партия аъзолигига кандидатлар, 63 комсомол аъзоси, икки Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, ўн шаҳар ва район Советининг депутатлари бор. Кўплаб мураббийлар бу соҳадаги намунали ишлари учун турли мукофотлар билан тақдирланишган. Энг яхши мураббийлардан бири, асбобсозлик цехининг ремонтчи слесари коммунист Зокир Мирзабековга «СССР машинасозлик корхоналарининг энг яхши мураббийи» деган шарафли ном берилди. Ҳозир Зокир Мирзабековнинг икки шогирди бор — 17 ёшли Кирилл Курузнис ва ундан бир ёш катта Игорь Турсин. Уларнинг иккиси ҳам мураббий ёрдами туфайли қисқа муддатда айрим операцияларни мустақил бажаришмоқда. Улар мана шу цехда комсомол сафига ўтишди, ишчи ёшлар мактабида ўқишмоқда. Намунали фаолиятлари учун бирнеча марта Ёрлиқлар билан тақдирланишга ҳам улгурдилар.

Айтиш мумкинки, мураббийлик фаолиятига раҳбарлик қилиш корхонада маълум аниқ система асосида олиб борилмоқда. Мураббийлар кенгаши аъзолари илғор корхоналарда бу борада орттирилган тажриба ва эришилган ютуқларни ўрганиб уни ўзларида жорий этадилар. Ҳар бир мураббий «Мураббийларга қўлланма»га эга. Шунингдек, улар босмахонада қўлпайтирилган яна бошқа қатор материаллар билан таъминланган. Барча цехларда ўз Мураббийлар кенгаши фаолият кўрсатмоқда. Завод Мураббийлар кенгашининг аъзолари бўлган Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари М. Юсупов ва Н. Удалова, илғор ишчилар, инженер ва техниклар цехларидаги мураббийлар кенгашларининг фаолиятлари билан мунтазам қизиқиб борадилар, уларга зарур маслаҳат ва ёрдамларни берадилар. Цех кенгашлари 20 ёшгача бўлган барча ёшларни ўз ҳисобида тутади. Ана шу ёшларнинг ҳар бири ишлаб чиқардиш ва турмушдаги интизоми, смена топшириқларини қандай бажараётгани қайд қилиб борилади. Мана шу баҳолар бўйича бошлиқлар қайси ёш ишчига мураббий керак ёки керак эмаслигини аниқлайдилар.

Нега мураббийлар асосан 20 ёшгача бўлган ёшларни оталиққа олишади? Биринчидан, йигирма ёшдан ўтган кишиларда характер шаклланиб улгурган бўлади. Уларнинг кўплари Совет Армиясидаги хизматда чиниққан, бошқалари 3—5 йиллик меҳнат стажига эга. Иккинчидан, тажриба шуни кўрсатмоқдаки, 20 ёшдан ошган кишиларга шахсий оталиқ қилиш деярли ҳеч қандай самара бермайди. Бундай кишиларга коллектив равишда «Чақмоқ», Комсомол прожектори», бригада, участка йиғилишларида муҳокама қилиш усули яхши таъсир кўрсатади.

Умуман, «Ташсельмаш» заводида фаолият кўрсатаётган мураббийлар кенгаши аъзоларининг амалга ошираётган ишлари ҳар томонлама диққатга сазовордир.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,
С. АЖИБЕКОВ.

ЁШ ИШЧИЛАРГА ҒАМХЎР БЎЛАЙЛИК

Ёш йигит ва қизларни бурчагидан чиққач цехга бошлаб келишади. Бу ерда уларни ветеран ишчилар оталиққа оладилар. Яқинда ана шу билим юртини тугатувчиларни шонли ишчилар сафига қабул қилиш маросими ниҳоятда ҳаяжонли ўтди. Барча цехларда умумий йиғилишлар бўлиб, битирувчиларни тантанали равишда ишчилар синфига қабул қилишди. Шу ернинг ўзида улар мураббийлари билан танишдилар, уларга эсдалик совғалари ва номи ёзилган асбоблар тақдим қилишди.

Шу нарса диққатга сазоворки, корхонада иқтор-истамас кишини мураббий қилиб тайинлашмайди. Мураббийлик ихтиёрий вазифа. Ўзида ёшларни тарбиялашга, уларга маҳорат сирларини ўргатишга ички бир тус олишига, мамлакатнинг барча бурчакларига етиб боришига, барча заводларда, фабрикаларда, конларда ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда жорий этилишига истак билдириб, бу ажойиб олижаноб ишдир, деб таъкидлади. Бу чақириқни ташсельмашчилар юксак ватанпарварлик руҳи билан қабул қилдилар.

Корхонада ишчи характери шаклланишининг ягона бир системаси вужудга келган, деса бўлади. Янги ишга қабул қилинганлар энг аввало завод меҳнат шуҳрати бурчагига йўл олишди. Уларни меҳнат ветерани, олий педагогик маълумотли С. Рагозина кутиб олади. У йигит ва қизларни жонли мисоллар тимсолида коллективнинг шон-шуҳратга тўла анъаналари билан таништириб, уларнинг ўзларини ўрганишга ундайди. Ёшлар ўзларининг ота-оналари ёки қариндошлари ҳақида ҳам маълумотлар олишади. Ана шундан сўнг ёшлар ўзларини ишлаётган цехлари ва бригадаларидаги ишчиларга таништирадилар. Ёшлар ўзларини ишлаётган цехлари ва бригадаларидаги ишчиларга таништирадилар. Ёшлар ўзларини ишлаётган цехлари ва бригадаларидаги ишчиларга таништирадилар.

Халқ университетлари фаолиятини такомиллаштирайлик

Ҳозир республикада 1875 халқ университети ишлаб турибди. Уларда шаҳар ва қишлоқ меҳнатчиларидан 230 минг киши ўз билимларини оширмоқда. Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правленеси билан халқ университетлари республика кенгашининг 23 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтган бирлашган пленуми университетлар фаолиятини атрофлича таҳлил қилди. КПСС XXV съезди қарорлари асосида Ўзбекистон халқ университетларини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси, халқ университетлари республика кенгашининг раиси Қ. А. Аҳмедов доклад қилди.

Пленум 1977 йил март ойида республика «Билим» жамиятининг VIII съездини чақиришга қарор қилди.

(ЎзТАГ).

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

Бекобод райони чорвадорлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IV пленуми қарорларини амалга ошира бориб, давлатга сут, гўшт, тухум сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар. Бекободликлар шу кунгача 1300 тонна гўшт, 6300 тонна сут, 2 миллион 200 минг дона тухум етказиб бердилар. Эришилган бу ютуқда Ленин номли, Дзержинский номли колхозлар, 4-«Далварзин», 3-«Далваризи», «КПСС XXV съезди» ва Ойбек номли совхозларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш давом эттирилмоқда. Ўз имкониятларини ҳисоблаб чиққан район чорвадорлари йил охиригача яна 40 тонна гўшт, 140 тонна сут, 50 минг дона тухум етказиб беришга аҳд қилдилар.



Суратда: қуйи Бўзсувдаги 3-электростанциянинг моҳир ишчиси, социалистик мусобақа ғолиби, смена инженери Раҳимжон Жабборов ва техник Нурматжон Сидиқназаров биринчи агрегатни кўздан кечирмоқдалар.

Х. Мирзакаримов фотоси.

ТАШАББУСКОР ХЎЖАЛИКДА

БЎСТОНЛИҚ районидаги Жданов номли колхоз бир йилда икки йиллик миқдорида озуқа жамғариш ташаббусини бошлаб берган эди. Ташаббускорлар енг шимариб, астойдил ишга киришдилар. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти белгилаган тадбирлар асосида емхашак тўпловчи иккита зарбдор звено тузилди. Асосий иш техника зиммасига юкланди. Звеноларда 10 та ўриш трактори, 2 та паншахали агрегат, 2 та тўпловчи, 2 та ғарамловчи, 2 та йиғув мосламалари ўрнатилган тракторлар бетўхтов ишлаб турди. Мана шу техникани бошқаришда, пичан ва беданя ўришдан тортиб то ғарамлашгача бўлган барча жараёнларда 44 киши ишлади, холос.

Ҳар икки звено график асосида иш олиб борди. Бир звенонинг кунлик нормаси 60 тонна ем-хашак тайёрлашдан иборат эди. Ўзаро социалистик мусобақа йўлга қўйилди. Илғорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тадбирлари белгиланди. Мавсум охиригача пешқадамликни қўлдан бермаган КПСС аъзоси Т. Азимбоев звеносига 500 сўм пул мукофоти берилди.

Ўтган йилги қурғоқчилик шароитида тўпланган ем-хашак чорвани қишдан олиб чиқишга аранг етган эди. Бу йил об-ҳаво яхши келди, сув танқислиги деярли сезилмади. Колхоздаги 732 гектар ерда пичан, 292 гектар лалми ва 74 гектар суғориладиган ерда беда ўстирилди.

Чорва озуқаси жамғариш кампаниясида айниқса коммунистларнинг ибратли роли яққол сезилиб турди. Турали Азимбоев, Жамол Стамқулов, Омон Жуманов сингари коммунистлар емхашак тўпловчи зарбдор звеноларнинг пешқадами бўлдилар. Уларга эргашиб ўзаро мусобақа асосида ишлаган Ширинбек Нишонов, Турди Умаров, Малик Пўлатов, Шалон Маъдиевлар пичан ўришда, Малик Керимқулов, Ортиқ Исмоилов, Эрмуқон Тўйимбетов, Шалон Асилтоевлар ғарамлашда юқори меҳнат кўрсаткичларига эришдилар.

Зарбдор звеноларга ўрим пайтида қулай маданий-маиший шароит яратиб берилди. Ётоқхона, ошхона ва ўқиш зали алоҳида бўлган иккита шинам дала шийпони улар хизматида бўлди.

Натижа чакки бўлмади. Планда кўзда тутилган 3313 тонна ўрнига 5543 тонна чорва озуқаси, шу жумладан, 1081 тонна ўрнига 1397 тонна беда, 732 тонна ўрнига 1863 тонна пичан, 600 тонна ўрнига 1603 тонна сенаж тайёрланди. Ташаббускорлар сўзларининг устидан чиқдилар.

Шу кунларда колхоз чорвадорлари жамғарилган озуқани рацион асосида тақсимлаб, қорамол, қўй ва сигирларни зооветеринария қоидалари асосида парвариш қилишмоқда. Чорва маҳсулотларининг асосий турлари бўйича ўнинчи беш йилликнинг дебоча йили учун белгиланган давлат планлари ортиғи билан бажарилди. Давлатга пландаги 130 тонна ўрнига 137 тонна гўшт, 280 тонна ўрнига 330 тонна серқаймоқ сут, 320 тонна ўрнига 350 тонна жун етказиб берилди.

Колхоз бу муваффақиятларга мўл озуқа базаси яратилганлиги, чорвадорлар ўз вазифаларига сидқидилдан ёндошиб фидокорона ишлаётганлари туфайли эришмоқда. Абдураим Мирзаҳонов мудирлик қилаётган сут-товар фермасида ҳозиргача ҳар бир сигирдан йиллик планда кўзда тутилган 2400 литр ўрнига 2721 литрдан сифатли сут соғиб олинди. Хатира Режабова, Тошбу Бекжонова, Алия Темирбековаларнинг ҳар бир сигирдан соғиб олган сутлари 3000 литрдан ошиб кетди.

Хўжаликда қўйларни эрта урчитиб, қўзилатиш мавсумини одатдагича март ойида эмас, февралнинг ўнинчи кунидан бошлаб ўтказиш тажриба қилиб кўрилди. Бу тажриба яхши самара берди. Пешқадам чўпон Жумабой Тожибоев ҳар юз совлиқдан 127 тадан қўзи олишга муваффақ бўлди. Туймен Дуйсеқулов ва Абдуҳолиқ Пазилов сингари чўпонлар ҳам ўз отларида қиш мавсумини намунали ўтказишмоқда.

— Ем-хашак масаласи ўз вақтида оқилона ҳал қилинганлиги учун ҳам — дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Исмоил Абдуллаев, — колхозимизда районнинг бошқа хўжаликлари учун сигир етиштириб берадиган база ташкил қилиш имконияти туғилди. Ҳозир алоҳида молхонада 300 та бузоқ боқилянти. Бузоқларнинг етилиши яхши. Яқин йиллар ичида сигир етиштириш колхозни сердаромад соҳаларидан бирига айланади.

Ҳа, КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1976) Пленуми қарорларидан руҳланган ташаббускор колхоз чорвадорлари келажакка ишонч кўзи билан боқиб, бугунги меҳнатлари миқёсини эртанги кун режалари билан ўлчамоқдалар. Ўз вақтида бошланган қимматли ташаббус. кўрилган амалий тадбирлар, ижодий изланиш ғалабалар билан якунланмоқда.

А. АБДУБАННОПОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

МАРМАРГА СОЛИНГАН ГУЛ

Ғазалкент тоштарошлик комбинати юзига гул солинган мармар тошлар чиқара бошлади. Корхона рационализаторлари Ереван тош ва силикат илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг маслаҳатига кўра оддий парма станогини шу ишга «ўргатдилар». Станок шпинделига исталган гул расми чизилган матрица ўрнатилади. Матрица билан мармар плита орасига сув билан абразив тош зарралари аталаси берилади. Шу зарралар матрица тебранишларида ҳаракатга келиб кески вазифасини бажаради ва мармарда бояги гул ҳосил бўлади.

Шундай плитага ўша гулни қўлда тушириш учун ишчининг 6—8-соат вақти кетар эди. Энди бўлса 8—10 минут кифоя.

Ғазалкент тоштарошлик комбинатининг янги маҳсулоти республикадаги ҳамма қурилишларга юборилади. Гул солинган мармар плиталар маъмурий бинолар, уй-жойларни безашда ишлатилади.

(ЎзТАГ).

ОТАШҚАЛБ ЁШЛАР

Чирчиқдаги қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг асбобсозлик цехи коллективи доим пешқадамлар сафида. Корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулотларида бевосита шу цехда тайёрланган асбоб-ускуналар қўлланилади. Корхонанинг ҳар бир бригадасида, ҳар бир цехида ишлатиладиган штамплардан тортиб, оддий резба чиқарадиган кескичларгача ана шу цехда тайёрланади. Уларнинг юқори кўрсаткичларга эришишларида, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишларида мазкур цех ишчиларининг ҳиссаси катта.

Цех ишчилари ўртасида ўзаро социалистик мусобақа кенг авж олган. Бундан ташқари, бригадаларо мусобақа шартлари ишлаб чиқилган. Бу эса ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда, меҳнат унумдорлигини юксалтиришда ва маҳсулот сифатини яхшилашда катта ёрдам бермоқда

— Мусобақа ҳар жабҳада қўл келмоқда, — дейди цех бошлиғи Н. Селянинов. — Ҳар ойда бригадаларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқиладн ва натижалари диаграммаларда ошкора акс эттирилади. Тоир Менсеитов бошлиқ бригада аъзолари йил бошидан бери пешқадамликни қўлдан бермай келяптилар...

Бригада асосан ёшлардан ташкил топган. Уларнинг ҳар бири ўз касбининг билимдони. Фрезерчи, йиғувчи слесарь, токарлар ўз ишларини мукаммал билиш билан бирга яна бошқа касбларни ҳам ўрганишга ҳаракат қилишади. Бригада муваффақиятларини слесарлар А. Аджимамбетов, А. Геннрих, В. Мальцев, иш тақсимловчи Т. Смирнова, С. Эм сингари илғор ишчиларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Заводда ажойиб истиқболларни очиб берувчи кўпгина новаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Демак, ишлаб чиқаришнинг маълум жараёни, муайян технологияси такомиллашади. Бунинг учун гоҳида янги мосламалар ёки асбоблар керак бўлади. Ана шундай пайтларда янги буюртмалар Менсеитов бошлиқ бригада аъзоларига топширилади.

— Буни ёшларнинг ҳар бир янгиликка қизиқувчанлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин, — дейди цех бошлиғи. — Менсеитов бригадаси эса шундай тажрибали, маҳоратли ёшлардан иборат.

Бригада аъзоларининг ютуқлари, уларнинг доимо пешқадамлар сафида келишларининг ҳеч қандай «сири» йўқ. Уларнинг асосий устунликлари — доимо ўз техникавий билимларини оширишга, илғор тажрибаларни ўзлаштиришга, амалий билимларини назарий билимлар билан мустаҳкамлашга жиддий аҳамият беришларида. Бригада аъзоси Т .Смирнова, слесарь А. Аджимамбетов ва бошқа ишчилар Чирчиқ индустриал техникумида таҳсил кўриш билан бирга ишлаб чиқаришда пешқадамлик қилиб келмоқдалар.

—Ишлаб чиқаришда ҳаммага намуна бўлиш билан бирга оммавий-маданий тадбирлар уюштиришга ҳам катта эътибор берамиз, — дейди комсорг Т. Смирнова. — Биз ёз ойларида коллектив бўлиб шаҳардан ташқарига чиқиб дам оламиз. Бригадамиз аъзоларининг кўпчилиги оилали. Улар шанба ва якшанба кунлари оила аъзолари билан бирга маданий хордиқ чиқарадилар...

Бригада коллективи квартал планларини 150—170 процент қилиб бажариб келмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. 1969 йилда ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун коллектив «Коммунистик меҳнат бригадаси» деган юксак номга сазовор бўлган эди. Шу пайтгача улар бу юксак номни шарафли меҳнатлари билан ардоқлаб келмоқдалар.

...Йил охирлаб бормоқда. Яқин кунларда йил бўйи қилинган меҳнатга, йиллик мусобақага якун ясалади. Ҳеч шубҳа йўқки, Менсеитов бошлиқ Коммунистик меҳнат бригадаси бу гал ҳам пешқадамлар сафидан ўрин олади.

М. МИРАЛИМОВ.

БЎЁҚЛАР ЖИЛОСИ

Узбекистон рассомлар союзининг кўргазма залида Ўзбекистон рассомлар союзининг XI съездига бағишлаб очилган графика кўргазмасида намойиш этилаётган асарлар ўзбек графика санъати кейинги вақтларда янада равнақ топаётганлигидан далолат бериб турибди. Кўргазмадан салкам 400 га яқин линогравюра, китоб безаклари, акварель, бўёқда чизилган расмлар, манзаралар, йўл лавҳалари, меҳнат қаҳрамонлари акс этган асарлар ўрин олган. Съезддан съездгача бўлган давр орасида яратилган бу асарларда ўлкамизнинг мафтункор чиройи, жозибадор кўрки, замондошларимиз образи, инқилоб тарихининг рангларда жонланган муҳим саҳифалари, тинчлик учун курош, жаҳон халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасида партиямиз олиб бораётган ишлар ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Кўргазмада юксак маҳоратга эга бўлган кекса авлод вакиллари билан бир қаторда ёш рассомларнинг ҳам ижодий ишлари кенг намойиш этилмоқда. Айниқса, кўргазмада ёш безакчи-рассомларнинг ижодий изланишлари кўзга яққол ташланади. Ёшларнинг бу изланишлари кўпроқ ҳозирги замон кишиларининг янги турмушини тасвирлашдаги янгича бадиий воситалардан фойдаланишга интилишларида кўринади. Шунингдек, бу изланишлар ўзбек безакчи-рассомларининг асари эканлигини билдириб турувчи миллий тасвирларида ҳам намоёндир.

Ўзбекистон ССР халқ рассоми, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Қутлуғ Башаров мўйқаламига мансуб асарлар кўпроқ лирик оҳанг билан суғорилган. Унинг «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари», «Ўзбекистон рақс ва музикалари», «Ўзбекистон манзаралари», «Меҳнатга шон-шараф», «Ҳосил байрами» сингари туркум график асарларидан шундоққина давр нафаси уфуриб туради. Бу туркумлар рассомнинг оддий ва лўнда тасвирлашга мойил эканлигидан гувоҳлик беради. Шу билан бирга нафис, оҳангдор ва маз мундор ҳамдир.

Қутлуғ Башаровнинг янги «Ўзбекистон хотин-қизлари» триптихи унинг энг машҳур асари ва совет графика санъатининг табиий янги босқичи бўлиб қолади. Ўзбекистон хотин-қизларининг мана шундай ўтмиш ва ҳозирги ҳаётини юксак бадиий лавҳаларда жилолантириш учун ўз халқини ниҳоятда буюк муҳаббат билан севмоқ даркорлигини, ниҳоятда зўр синчковлик билан она халқининг ўтмиш тарихини ҳамда бугунги турмушини кузатмоқ, ўрганмоқ зарурлигини ҳис этасиз ва рассомда шу фазилатлар мужассамлигидан қалбингиз ғурур билан уради. Расмларга тикилган куйи узоқ вақт сеҳрланиб қоласиз.

Кўргазмадан жой олган график асарларнинг аксариятида ижодга фалсафий ёндошиш кучли эканлиги сезилади. Шунингдек, барча жанрларда ҳам маълум муваффақиятларга эришилган. Холбуки узоқ вақт графика санъатида фақат китоб безакларидаги ютуқлар устун бўлиб келар эди. Ҳозирги пайтда станокли график асарларнинг моҳир усталари яратган линогравюра ва офорт расмлари бу соҳадаги янги равнақ хазинасини очиб бердилар. Чунки китоб безаклари, яъни китоб графикаси асосан адабиётга, адабиёт орқали ҳаётга мурожаат этади. Станокли графикада эса, бевосита ҳаётнинг ўзи биринчи манба бўлиб хизмат қилади.

Тошкентлик графика устаси Анатолий Циглинцевнинг янги линогравюрадан ташкил топган туркуми алоҳида таҳсинга сазовор. Туркумга «Шоира», «Сут сғувчи», «Чорраҳа бекаси», «Теримчи қиз», «Бригадир» каби расмлари киритилган. Ҳар бир асар бир-бирини тўлдириб, ягона бир мақсадга бўйсиндирилган.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Мидат Кагаровнинг ижодий ишларида совет давлатининг тарихий босқичлари, ҳаётнинг ранг-баранг йўсин ва кўринишлари — уруш ва тинчлик, меҳнат ва яшарган ер, инсон ва ҳаёт — камраб олинган. Унинг тўртта катта линогравюрадан иборат «Йил фасллари» туркуми рассомнинг одамларга, ҳаётга бўлган нозик ва ҳаяжонли туйғулари билан йўғрилган, дунёни ҳис этишдаги ёрқин ўйлари сингдириб юборилган. Йил фаслларининг алмашишини, доимо ўзгариб турадиган табиат рангларини Кагаров гравюранинг тасвирий воситаларидан фойдаланган ҳолда маҳорат билан ўзи кўзлаган мақсадни илгари суради.

Акварель бўёқ усталари ҳам кўргазмада муваффақият билан иштирок этишган. Р. Аҳмедов, Б. Котлов, Г. Чиганов, Ю. Павлов ва бошқалар ўзига хос ижодий услуби билан, дунёни ҳис этиш хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қиладилар. Жумладан, Б. Котловнинг «Она Ўзбекистон бўйлаб» туркумига кирган акварелда чизилган расмлари замонни чуқур ҳис этиш руҳи билан суғорилган. Уларда ҳаво, ёруғлик ва кенгликка кенг ўрин берилган. Айни пайтда улар ҳаётий, она диёримизнинг сўлим ва дилрабо табиати ўзининг жонли ифодасини топган. Р. Аҳмедовнинг акварелда чизилган расмларида эса шаффофлик, тиниқлик, рангларга бойлик алоҳида ажралиб туради. Унинг Польшага сафари туфайли бунёдга келган йўл лавҳалари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Кейинги йилларда ўзбек графикаси янги номлар билан янада бойимоқда. М. Содиқов, Р. Халилов, А. Вахтев, И. Каланов, Р. Абдулгалимов, И. Васильева, Э. Охунов ва бошқалар шулар жумласидан. Бу ёш рассомларнинг номи тобора кенг танилмоқда, ижодий ишлари ҳам тобора кенг кулоч ёймоқда. Уларнинг яратган асарлари темаси хилма-хил. Лекин меҳнат ҳамда меҳнаткаш инсон образини яратиш темаси асосий ўринни эгаллайди. И. Васильеванинг «Менинг замондошларим», В. Паршиннинг «Болалар ўйини», Қ. Маҳқамовнинг «Спортчилар» сингари асарларини шу мавзудаги муваффақиятли изланишлардан деб ҳисоблай оламиз.

Кўргазмада қатнашган кўпгина рассомларнинг ижодий ишлари билан танишар эканмиз, уларнинг ҳаммасига хос бўлган характерли бир белгини айтиб ўтмоқ лозим. Яъни бир рассом тасвирий санъатнинг хилма-хил жанрларида ижод этиши ва барча соҳада ҳам ўз мўйқалами услубини намойиш эта олиши мумкин экан. Балким ҳаётнинг ўзи шуни тақоза этаётгандир. Бинобарин тор ихтисослик чегарасидан чиқиб, китоб безагида ҳам, монументаль тасвирда ҳам тематик картиналарда ҳам мўйқалам суришга рағбат уйғотаётганидан далолат берувчи бир рассомнинг хилма-хил жанрдаги асарлари кўргазмага кўрк бериб турибди.

Китоб графикасида эришилган ютуқлар ҳам қувонишга арзигулик. М. Кагаров, Қ. Башаров, Л. Даватц ва бошқаларнинг китобларга ишлаган безаклари, расмлари, айниқса жозибага бой.

Биз кўпгина рассомлар номини ва уларнинг ижодий ишларини санаб ўтолмадик. Лекин келтирилган мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, кўпмиллатли совет тасвирий санъатининг ажралмас бир қисми бўлган ўзбек тасвирий санъатида ҳам станокли графика дадил тараққий этмоқда. Ва биз шуни ишонч билан айта оламизки, республикамиз графика санъатда ўзининг янги имкониятларини намоён этди, кенг миқёсда қанот ёйиши ҳамда янада равнақ сари парвоз этиши мумкинлигини исботлади

Т. ОДИЛБЕКОВ,
Э. МУҲАМЕДОВ.

КЎРГАЗМА ЗАЛЛАРИ БЎЙЛАБ

олтилик — олти рангли линогравюрадан ташкил топган туркуми алоҳида таҳсинга сазовор. Туркумга «Шоира», «Сут сғувчи», «Чорраҳа бекаси», «Теримчи қиз», «Бригадир» каби расмлари киритилган. Ҳар бир асар бир-бирини тўлдириб, ягона бир мақсадга бўйсиндирилган.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Мидат Кагаровнинг ижодий ишларида совет давлатининг тарихий босқичлари, ҳаётнинг ранг-баранг йўсин ва кўринишлари — уруш ва тинчлик, меҳнат ва яшарган ер, инсон ва ҳаёт — камраб олинган. Унинг тўртта катта линогравюрадан иборат «Йил фасллари» туркуми рассомнинг одамларга, ҳаётга бўлган нозик ва ҳаяжонли туйғулари билан йўғрилган, дунёни ҳис этишдаги ёрқин ўйлари сингдириб юборилган. Йил фаслларининг алмашишини, доимо ўзгариб турадиган табиат рангларини Кагаров гравюранинг тасвирий воситаларидан фойдаланган ҳолда маҳорат билан ўзи кўзлаган мақсадни илгари суради.

Акварель бўёқ усталари ҳам кўргазмада муваффақият билан иштирок этишган. Р. Аҳмедов, Б. Котлов, Г. Чиганов, Ю. Павлов ва бошқалар ўзига хос ижодий услуби билан, дунёни ҳис этиш хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қиладилар. Жумладан, Б. Котловнинг «Она Ўзбекистон бўйлаб» туркумига кирган акварелда чизилган расмлари замонни чуқур ҳис этиш руҳи билан суғорилган. Уларда ҳаво, ёруғлик ва кенгликка кенг ўрин

Дунё овози
Чет эл хабарлари

ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

УЛАН-БАТОР, 23 декабрь. (ТАСС). Улан-Батор жун қайта ишловчи ишлаб чиқариш бирлашмаси муқобил планини муддатидан илгари бажариб бўлди. Шу йил бошланганидан бери бирлашма корхоналари планга қўшимча равишда 5 миллион тугриклик маҳсулотни савдо ташкилотларига юборди. Бу муваффақиятга социалистик мусобақани ҳамма жойда авж олдириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш туфайли эришилди. Бу йил мамлакатдаги ана шу энг катта ишлаб чиқариш бирлашмаси ўн хил янги маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Республика енгил саноати ялпи маҳсулотининг сал кам 40 процентини ҳозир шу бирлашма ишлаб чиқармоқда. Бирлашма маҳсулотининг 80 процентидан кўпроғи дунёнинг кўпгина мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Монголиянинг янги беш йиллиги бирлашма коллективига катта истиқболлар очиб беради. Жун ювиш, йиғириш, гилам тўқиш ва трикотаж фабрикаларини қуриш мўлжалланмоқда. Эчки мойнидан ва туя жунидан маҳсулот ишлаб чиқариш тажриба тариқасида йўлга қўйилади. Натижада бирлашма ялпи маҳсулотининг ҳажми 37 процент кўпаяди.

ҲИНДИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ ДАЪВАТИ

ДЕҲЛИ, 23 декабрь. (ТАСС). Ҳиндистон Коммунистик Партияси Миллий кенгаши бош секретари Ражешвар Раонинг бу ерда эълон қилинган баёнотида бундай дейилади: Ҳиндистон Коммунистик Партияси Миллий кенгаши Жаҳон тинчлик кенгашининг янги Стокгольм ҳитобномасини қизғин қўллаб-қувватлайди ва мамлакатнинг барча коммунистларини, оммавий тараққийпарвар ташкилотларнинг аъзоларини ана шу муҳим ҳужжат остига имзо тўплаш кампаниясини кенг авж олдириб юборишга даъват этади. Ҳиндистон Компартияси янги Стокгольм ҳитобномасини қуролланиш пойгасига чек қўйиш, кескинликнинг юмшатилишига муқаррар тус бериш учун жаҳон миқёсидаги кампанияларнинг энг муҳимларидан бири деб баҳоламоқда.

ИКП БОШ СЕКРЕТАРИ ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

МАДРИД, 23 декабрь. (ТАСС). Испания ички ишлар министрлиги Испания Коммунистик партиясининг Бош секретари Сантъяго Каррильо Мадридда қамоққа олинганлигини эълон қилди. Ички ишлар министрлигининг ахборотида айни маҳалда ИКП Марказий Комитети ижроия комитетининг бир неча аъзоси ушланганлиги кўрсатиб ўтилади.

Испания Коммунистик партиясининг раҳбарлиги матбуот конференцияси ўтказиб, мамурларнинг ҳукумат эълон қилган амнистияга зид бўлган ҳаракатларини қоралади.

Испаниядаги бир қанча сиёсий ташкилотлар Сантъяго Каррильонинг қамоққа олинганлигини қоралаб чиқдилар. Мадридда норозилик намойиши бўлиб ўтди. Намойиш қатнашчилари ИКП Бош секретарининг тезда озод этилишини, компартиянинг легаллаштирилишини талаб қилдилар.

ЛИВАН ПАРЛАМЕНТИНИНГ МАЖЛИСИ

БАЙРУТ, 23 декабрь. (ТАСС). Бугун Ливан парламентининг граждан уруши тугагандан кейинги биринчи мажлиси очилди.

Бош министр С. Хосс программ баёнот билан чиқиб, маъмурлар иқтисодий ва сиёсий ҳаётни нормаллаштириш соҳасидаги ўз вазифаларини самаралироқ адо этиши учун ҳукуматга олти ой муддатга махсус ваколатлар бериш тўғрисидаги қонун лойиҳасини депутатлар муҳокамасига тақдим этди. Айни маҳалда янги ҳукуматга ишонч билдириш тўғрисидаги масала овозга қўйилади.

Ливан пойтахтида ҳаёт аста-секин нормал изга тушмоқда. Муассасалар, савдо корхоналари ва мактаблар очилди. Байрут портида причаллар тозаланмоқда, ғовослар чўкиб қолган баржалар ва портламаган снарядларни денгиз тагидан чиқариб олмоқдалар.

Фаластин қаршилик ҳаракатининг раҳбарлиги ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битимни бузишларга қарши қурашмоқ учун барча Фаластин ташкилотларининг вакилларидан махсус отряд лар тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Байрут чекка ларида кеча айрим фаластин отрядлари ўртасида тўқнашувлар яна бошланганлиги муносабати билан ана шундай қарор қабул қилинди.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

ГАВАНА. Куба маърифатчи кунини тантанали нишонлади. Мамлакатнинг ҳамма вилоятларида шонли санага — капиталистик ўтмишдан республикага мерос бўлиб қолган оммавий саводсизликни тугатиш кампанияси тугаллганлигининг 15 йиллигига бағишланган митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтди.

ВЬЕНТЬЯН. Янги Лаосда соғлиқни сақлашни ривожлантириш программаси муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда. Ҳукумат соғлиқни сақлашни ташкил этишга етарли маблағ, бинолар, транспорт воситалари ажратиб бермоқда. Ҳозир мамлакатнинг ҳамма вилоятларида медицина билим юртлари, медицина ходимлари тайёрлаш курслари очилган. Ҳамма жойда олис районларнинг аҳолисига малакали ёрдам кўрсатиш учун зарур асбоб-ускуналар билан таъминланган сайёр медицина отрядлари ишлаб турибди.

ЯУНДЕ. Сан-Томе ва Принсипи демократик республикаси миллат мажлисининг Сан-Томеда ўтаётган сессиясида ер тўғрисидаги ҳамда какао ҳосилини сотиш тартиби ҳақидаги қонун лойиҳалари маъқулланди.

ВЕНА. Савдо, ҳунармандчилик ва саноат министри Иозеф Штарибахер Австриянинг социалистик давлатлар билан савдо-сотиқ, иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларини янада ривожлантириш кераклигини айтди. Унинг таъкидлаб айтишича, Австрия фирмаларининг планли хўжаликка эга бўлган социалистик мамлакатлар билан савдо-сотиқни активлаштириш учун катта имкониятлари бор.

РИМ. Италиянинг Апулия областидаги Лечче шаҳри маҳаллий антифашист комитети шу ерда меҳнаткашларнинг оммавий намойиши ва митингини ўтказди. Шаҳарнинг минглаб ишчилари, хизматчилари ва студентлари реакциянинг Италияда ифвогарона ҳуружлар ва террорчилик ҳаракатлари воситасида кескинлик вазиятини вужудга келтириш йўлидаги уринишлари тўхтовсиз давом этаётганлигига қарши норозилик билдирдилар. Митингда сўзга чиққан демократик ташкилотлар ва сўл партияларнинг вакиллари реакцион кучларнинг кирдикорларига зарба беришга қаттиқ аҳд қилганликларини билдирдилар.

ТОКИО. Япония пойтахтига яқин жойлашган Татикава шаҳрининг аҳолиси АҚШнинг шу ердаги ҳарбий базаси тугатилишини талаб қилмоқда. Муниципалитет шу талабга имзо тўплаш кампанияси бошланганлигини эълон қилди. Бу йил бошқа шаҳарларда ҳам жумладан Окинава оролида урушга қарши оммавий митинг ва намойишлар бўлиб ўтди. Бу орол территориясининг 12 процентини американинг 63 та базаси эгаллаб ғурибди.

(ТАСС.



РУМИНИЯ. «Тоғларда фалокат!» — ана шу сигнал бўйича кечаси-ю кундузи, қор ёки ёмғир ёғиб турган пайтда ҳам қутқарувчилар дарҳол ёрдамга келишади. Фақат кейинги бир неча йил ичида жасур қутқарувчилар 30 мингдан ортиқ операция ўтказиб тоғ курортларида дам олган кишилар, шунингдек, спортчилар, альпинистларнинг ҳаётини сақлаб қолишди.

Аджерпресс — ТАСС фотоси.

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ 50 ЁШДА

ЁРҚИН УФҚЛАР

РАЙОНИМИЗНИНГ ярим асрлик юбилейини биз ўннинчи беш йилликнинг биринчи йили муваффақиятли якунланаётган бир пайтда нишонламоқдамиз. Тарихан қисқа вақт ичида Қуйи Чирчиқ қишлоқлари таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

Районда дастлабки колхозлар 1928 йилда тузила бошлади. Орадан икки йил ўтмай, улар сони 34 тага етди. «Ангрен» уруғчилик хўжалиги базасида «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози ташкил қилинди. Иллар ўтиши билан коллективлаштириш, индустриалштириш ва маданий революция программалари муваффақиятли бажарила борди.

1927 йилда районимизда 2538 гектар ерга пахта экилиб ҳосилдорлик зўрга 13 центнерга етказилди. Эндиликда биз 15200 гектар ерга пахта экиб, гектар бошига 41 центнердан ошириб хирмон кўтаряпмиз. Канал ҳосилдорлиги ҳам йил сайин ошиб бораяпти. Бу йил биз бу қимматли хомашёдан 180 центнерга етказиб ҳосил олдик.

Деҳқончилик маданиятини оширишда, ҳосилдорликни юксалтиришда, қўл меҳнатини енгиллаштиришда техника асосий куч бўлиб хизмат қилмоқда. Районимизда дастлабки машина трактор станцияси 1931 йилда ташкил қилинди. Орадан кўп ўтмай яна бир МТС тузилди. Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш сари катта қадамлар ташланди. Бугунги кунда колхоз ва совхозлар замонавий техника воситалари билан тўла таъминланганлар. Ҳосилни экишдан тортиб, тўла йиғиб-териб олингунча бўлган жараёнларнинг ҳаммаси техника ёрдамида бажарилмоқда.

Ўннинчи беш йилликнинг биринчи йилида етиштирилган пахта ҳосилини йиғиб олишда 400 дан ортиқ «зангори кема» қатнашди. Улар билан мавсумда ҳосилнинг 92 проценти териб олинди. Техникадан самарали фойдаланиш натижасида ҳосилдорлик йил сайин ўсиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархи тобора арзонлашмоқда. «Победа», «Заря коммунизма», Энгельс номли колхозлар, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», «Коммунизм» совхозлари ва бошқа бир қатор илгор хўжаликлар бу йил гектар бошига 40—45 центнердан ҳосил кўтардилар. Элликдан ортиқ бригадаларда эса ҳосилдорлик 50 центнердан ошиб кетди. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг Мустафо Подишев бошлиқ бригадаси аъзолари ҳар гектар ердан 60 центнердан хирмон кўтариб, районда рекорд қўйдилар. Бугунги қутлуғ айёмда биз мана шу илгор пахтакорларни чин қалбдан муборакбод этамиз ва уларга ўннинчи беш йиллик марраларини муваффақиятли эгаллашда янгидан-янги ютуқлар тилаймиз. Шу азаматлар ғайрати билан йиғим-терим мавсумининг айни қизиган палласида биз кунига йиллик планнинг 11 проценти миқдорида пахта топширишга муваффақ бўлдик.

Ишлаб чиқариш илгорлари районимиз экономикасини юксалтиришга алоҳида ҳисса қўшмоқдалар. Бизда донги довон ошган пахтакор ва соҳибкорлар, чорвадор ва пиллакорлар оз эмас. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози механизатори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати Энвер Алиев, «Коммунизм» совхози бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, КПСС XXV съезднинг делегати Турди Қосимова каби донгдорлар билан бизнинг ҳақли равишда фахрланамиз. Районимиз колхоз ва совхозларида меҳнат қилаётган новаторлардан 40 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, 13 киши меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети депутати, 125 киши меҳнаткашлар депутатлари Қуйи Чирчиқ район Советининг депутатидир. Ўннинчи беш йилликда улар ажойиб ташаббуслар билан чиқмоқдалар, барчани партиямиз XXV съезди қўйган тарихий вазифаларни муваффақиятли бажаришга даъват этмоқдалар.

50 йил давомида районимиз ҳар жиҳатдан камол топди. Илгарилари биз учта темирчилик устахонаси ва бир неча тегирмонга эга эдик. Ҳозирги пайтда районнинг еттита луб заводи, пахта заводи, экспериментал ремонт-механика заводи, балиқчилик комбинати каби 14 та замонавий саноат корхонаси бор. Келгусида балиқчилик комбинатида янги завод қад кўтаради, қишлоқ қурилиши учун йилига 44 минг кубометр темир-бетон буюмлари ва конструкциялари ишлаб чиқарувчи янги комбинат бунёд этилади.

Кейинги йилларда районимизда қурилиш ишлари тобора кенг қулоч ёймоқда. Бош план асосида ҳозир район марказини қайта қуриш ишлари жадал давом этяпти. Келажакда бу ерда 10 минг киши истиқомат қиладиган кўркам микрорайон яратилади. Свердлов номли колхозда эса замонавий Мингчинор посёлкаси қурилаяпти. Посёлка қурилиши учун салкам 50 миллион сўмлик капитал маблағ ажратилган. Бу ерда уй-жойлар билан бирга пионерлар уйи, кинотеатр, 1200 ўринли мактаб, алоқа уйи, ресторан ва бошқа хил маданий-маиший бинолар бунёд этилади.

Ҳозир ҳам районимизда маориф, медицина, маданий-маиший муассасалар оз эмас. Районимиз янги ташкил этилган кезларда 11 ўқитувчи болаларга сабоқ берарди. Эндиликда мавжуд бўлган 44 та ўрта ва 14 та саккиз йиллик мактабларда салкам 21,5 минг ўқувчи таълим олаяпти. 910 малакали ўқитувчи ўғил-қизларимизга фан сирларини ўргатаяпти. 39 та боғча ва яслида колхозчилар, ишчилар-нинг фарзандлари тарбия олаяпти. Бундан ташқари 37 та клуб ва маданият уйлари, 35 та киноустановка, минглаб китоб фондига эга бўлган юздан ортиқ кутубхона ҳам меҳнаткашлар хизматидадир.

Социалистик қайта қуришлар қишилар онгида туб ўзгаришлар ясади. Коммунистик идеалларга содиқ, дунёқарашлари бой, маънавий пок авлод камол топди. Ҳамкишлоқларимиз биринчи беш йилликлар даврида ҳам, Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейин тиклаш йилларида ҳам Ватанга, халққа садоқат билан хизмат қилдилар. Ҳозир ҳам улар сафимизда. Корхоналар, колхоз ва совхозларда 34 миллат вакиллари бир ота ва бир онанинг фарзандларидек, елкама-елка туриб меҳнат қилмоқдалар. Дўстлик ва иноқлик туфайли биз олдимизда турган барча вазифаларни муваффақиятли бажараяпмиз, истиқбол уфқлари сари дадил қадам ташламоқдамиз. Бошланғич партия ташкилотлари коммунистлар, барча меҳнаткашлар эътиборини партиямиз XXV съезди белгиланган улуғвор марраларни забт этишга қаратмоқда.

Ҳозир район хўжаликларида 83 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатяпти. Улар сафига 2830 коммунист бирлашган. Пахтачилик ва чорвачилик, галлачилик ва пиллачиликни ривожлантиришда, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда коммунистлар барчага намуна бўлмоқдалар. Биз бундан буён ҳам ўз бурчимизга содиқ қолиб, коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида янгидан-янги ютуқларга эришишга ҳаракат қилаверамиз. Бинобарин, партиямизнинг XXV съезди ва КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорлари бизни янада самарали меҳнат қилишга даъват этмоқда.

В. ТРУШ,
Қуйи Чирчиқ район партия комитетининг иккинчи секретари.



Райондаги Ленин номли колхоз маркази йил сайин қад кўтарган янги болалар боғчаси, гўзаллашиб бормоқда. Суратда: мазкур хўжаликнинг Охунбобоев номли участкасида С. Бобожонов фотоси.

Реклама ва эълонлар

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИГАН

СПЕКТАКЛЛАР РЕПЕРТУАРИ

1[I] да — ЎЖАРЛАР.
2[I] да — ГУЛБАҲОР ҚАНИ?
3[I] да — МУҚАДДАС ДИЁР.
4[I] да — ГУЛБАҲОР ҚАНИ?
5[I] да — НАВОИЙ АСТРАБОДДА.
6[I] да — ОЛИФТА.
7[I] да — ГУЛБАҲОР ҚАНИ?
8[I] да — МУҚАДДАС ДИЁР.
9[I] да — ОЛИФТА.
10[I] да — ГУЛБАҲОР ҚАНИ?

СПЕКТАКЛЛАР СОАТ 12.00 да БОШЛАНАДИ.

Билетлар сотилмоқда.

«ЎЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ихтисослаштирилган трестининг 1-«ЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ТОШКЕНТ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

электромонтажчилар, электрослесарлар, кабелчилар, юкчилар, ёрдамчи ишчилар, автокранчилар, махсус машина ҳайдовчилари, шофёрлар ва электромонтаж мутахассисликлари бўйича ўқитиш учун касбга эга бўлмаган гражданлар

КЕРАК

Совет Армияси сафидан қайтиб келганларга ишга ва ўқишга киришларида имтиёзлар берилади.

Электромонтаж ишлари Тошкент шаҳрида ва шаҳар атрофида, саноат, маданий-маиший, турар жой объектларида ва метро қурилишида олиб борилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси.

«Главташкентстрой» «СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ 3-МЕХАНИЗАЦИЯ» БОШҚАРМАСИ

1, 2, 3-класс шофёрларидан АВТОКРАН МАШИНИСТЛАРИНИ **ТАЙЁРЛАЙДИГАН 3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Ўқувчиларга ҳар ойда 75 сўмдан стипендия берилади.

ЎЗГИЗ КИШИЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Қорасарой кўчаси, 326 «б» уй, кадрлар бўлими (42,77-автобусларнинг «Ташигрушка», 7, 10-троллейбусларнинг «Чуқурсой» бекатлари).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими бўйича давлат комитетига қарашли

ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК БЮРОСИГА

қурувчи-лойиҳачилар, сантехниклар, электриклар ва инженерлар-механиклар, конструкторлар, машинистналар, секретарь

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси.

Н. И. Вавилов номли Бутуниттифоқ Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг ЎРТА ОСИЁ ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИГА

қозонхона бошлиғи вазифасига инженер-теплотехник

КЕРАК

Квартира берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Оржоникидзе район «Ботаника» алоқа бўлими.

«Узмясоритборг» ТОШКЕНТ ШАҲАР УЛГУРЖИ КОНТОРАСИГА

катта омборчилар, юкчилар, катта бухгалтер-ревизор, техника ҳавфсизлиги бўйича инженер

КЕРАК

ИШГА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ ОРЖОНИКИДЗЕ, КАЛИНИН, ЯНГИЙЎЛ, ЎРТА ЧИРЧИҚ, ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНЛАРИГА ПРОПИСКА ҚИЛИНГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси.

Спорт

ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ СССР ЧЕМПИОНИ

Шахмат бўйича ўтказилган навбатдаги мамлакат чемпионати жаҳон чемпиони Анатолий Карповнинг ғалабаси билан тугади. Охирги турда Цешковскийни мағлубиятга учратган А. Карпов 12 очко тўплади. Ю. Балашов 11 очко билан кумуш медалга сазовор бўлди. 10,5 тадан очко тўплаган Т. Петросян ва Л. Полугаевскийлар бронза медалларни олдилар.

●

33 ЭНГ ЯХШИ УЙИНЧИ

СССР футбол федерацияси ҳар йилги анъанага кўра 33 та энг яхши футболчилар рўйҳатини эълон қилди. Рўйҳатда мухлисларга яхши таниш бўлган В. Астаповский, В. Круглов, М. Фоменко, Л. Буряк, Н. Петросян, В. Веремеев, В. Колотов, В. Онищенко О. Блохин, В. Гуцаев ва бошқа футболчилар бор. Мамлакатимизнинг энг яхши футболчилари қаторидан тошкентлик пахтакорчи Владимир Федоров ҳам ўрин олди.

●

ТУПЛАР ҚИММАТИ

Аёллар ўртасида ўтказилаётган баскетбол чемпионатининг иккинчи тур ўйинлари ниҳоятда кескин ва қизиқарли ўтмоқда. Ҳар бир учрашувда у ёки бу томон кичик фарқ билан устун келмоқда. Ўзбекистон Давлат физкультура институти баскетболчилари навбатдаги учрашувни Олмаотанинг «Университет» командаси билан ўтказдилар. Бундан аввалги учрашувда атиги бир очко фарқ билан мағлубиятга учраган командамиз бу сафар ҳам тенг курашда ғалабани бой берди. Ҳисоб 79:81.

Ўтган куни бўлиб ўтган қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: ТТТ (Рига) — «Спартак» (Москва области) — 67:59, «Кибиркштис» (Вильнюс) — ЦСКА — 80:70, «Динамо» (Москва) — «Спартак» (Ленинград) — 77:68, «Спартак» (Пенза) — «Динамо» (Киев) — 73:61, «Уралмаш» (Свердловск) — СиМ (Москва) — 86:65.

Чемпионатда бирон марта мағлубиятга учрамаган Риганинг ТТТ баскетболчилари 10 очко билан пешқадамлик қилишмоқда. Москванинг «Динамо» командаси эса 11 ўйиндан кейин 10 очко тўпладн.

ЖОЗИБАДОРЛИК СИРИ

КЕЙИНГИ давр ёшлар ижодини кузатганда, кишини бир нарса қувонтиради. Бу ҳам бўлса, улар ижодида воқеа — ҳодиса мантиқидан характерлар мантиқининг устунлик қилиб бориши. Яъни улар кўпроқ инсонлар қалбига қулоқ солиб, улар дардини, қувончини, изтиробини ҳаётий инкишоф этиб, улардаги инсоний фазилатларни тасдиқлаб, ноинсоний хусусиятларни фош этиб кишиларни эзгуликка ундашаяпти. Аниқроғи, улар ижодида инсоний ахлоқ масаласи чуқур ўрин олаяпти. Бу табиий бир ҳолдир. Чунки биз янги жамият —коммунизм сари бораяпмиз. Янги жамиятни эса, янги инсон вужудга келтиради. Бу айниқса, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Уткир Ҳошимов ижодида аниқ кўриняпти. Унинг яқинда чоп этилган «Нимадир бўлди» тўпламига кирган ҳикояларда инсонийлик, юксак ахлоқ, ҳалоллик, софлик масаласи кўтарилган. Лекин Уткир Ҳошимов бу масалани айрим тенгдошлари сингари публицистик руҳда инсон шундай бўлиши керак деб ўз ҳикояси охирида хулоса ясамайди, балки ўзи тасвирлаётган ҳаётий воқеа-ҳодиса орқали киши қалбига сингдиради. Бинобарин «Янга» ҳикоясини кўздан кечирайлик. Ҳикояда биз икки аёл образини кўрамиз. Бири Акмалнинг янгаси — оддий инсон. Лекин унинг иши кўпчиликка ибратли. Кишига ўз фаолияти орқали кўп нарса беради, инсонни эзгуликка ундайди. Иккинчиси Акмалнинг хотини — Клара. У олий маълумотга эга, лабораторияда ишлайди. Қўлида пули бўла туриб, овсинига бермайди. Бунинг устига олий маълумот олишида асосий роль ўйнаган эрини камситади, гадойвачча дейди. Киши ҳикоянинг мана шу ўринларини ўқир экан беихтиёр ўзига-ўзи савол беради. Ҳақиқий инсон ким?! Топганини ўз эҳтиёжига сарф қилиб, олифта кийинниб ўзгалар аҳволидан кулган олий маълумотли Кларами ёки ўзи кийинмаса-да, ўз яқинларини ўйлайдиган, инсон руҳини эзозлайдиган янгами?! Уткир Ҳошимовнинг ютуғи шундаки, у ўзи характерларни икки лагерга бўлмайди, балки икки образнинг ҳам ҳақиқий қиёфасини бирдай очиб беради. Натижада улар ҳақида ҳукмни китобхоннинг ўзи чиқариб олади ва адиб ниятини ҳам тўла англайди.

Биз ҳаётда инсонларга баҳо берганда, кўпинча бир кўришда баҳо беришга шошиламиз. Ваҳоланки, бу ғалати тўғри эмас. Инсон қалби, унинг руҳий дунёси шундай бир жумбоқки, киши йиллаб бирга яшаб туриб ҳам бу жумбоқни ечолмайди.

«Уч хил одам» ҳикоясини ўқир экансиз, бу гапнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қиласиз. Инсоннинг энг юксак фазилатларидан бўлган кўнгилчанлик, бировга шафқат туйғуси ўз ўрнида қўлланмаса, бу туйғу ҳаётда яхшилик уруғидан кўра, ёмонлик уруғининг кўпайишига ҳам хизмат қилиб қолиши мумкинлигини бир ички ҳиссиёт билан сезамиз, ўзимизнинг фаолиятимиз ва туйғуларимизни бир тўхтамга келтирамиз. Искандар мана шундай ўзидаги шафқат туйғусини ўз ўрнида ишлата олмаганлиги учун ўзи қаттиқ панд ейди.

«Тасодиф» билан «Нимадир бўлди» ҳикоясида ҳам муҳим ҳаётий масала кўтарилган. Яъни инсон ҳаётда ўз иқтидорини, имкониятини тўла юзага чиқара олиши, осойишта ва хушмуомала бўлиши кўп жиҳатдан оилага боғлиқлиги асосли равишда кўрсатиб берилган.

«Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикояси ҳам киши қалбида чуқур из қолдиради. Ҳикоя таҳлилига ўтмай шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Уткир Ҳошимов мазкур ҳикоясида инсон психологиясини очишда алоҳида маҳорат кўрсатган. Уруш пайтидаги одамларнинг юзида ўрнашиб қолган маъюслик, характлик, аянчли ифода ёрқин кўз олдингизга келади. Умри холанинг икки ўғли бор. Каттаси Шоикромни бўлак қилиб чиқарган. Кичик ўғли Шонеъмат сил касал. Шонеъматга табиб қўй сути буюрган. Она эса сигир сути топиб беришга ҳам қодир эмас. Шоикромнинг топгани ҳам ўз бола-чақасидан ортмайди. Лекин онанинг қалби болага сут топиб бериш дарди билан ёнади. Дардчил ўғлига сут топиш учун катта ўғли полизидан қулупнайнинг қизарганини кечаси теріб, сутга алмаштиради. Буни катта ўғли Шоикромга айтиб олса ҳам бўлади, лекин келинидан ийманади, чунки келини бир марта уни шу қулупнай туфайли қаттиқ ранжитган: «Умрихола бир ховуч қулупнай олган экан, Хадича болаларга нон пули бўлар деб экканмиз, нораста-ларнинг насибасига тегманг, деб бобиллаб берган.

«Улоқ» ҳикояси сиртдан юзаки қараганда жўн воқеа асосига қурилгандек туюлади. Лекин ҳикояга теранроқ ёндашилса унинг заминида чуқур маъно борлиги сезилади. Ҳикояда тилга олинган Кўктой лақабли отнинг хатти-ҳаракати рамзий маънога эга. Кўктой кўринишидан ҳеч кимнинг назарини жалб қилмайди, аксинча уни ҳеч ким эсламайди. Аслида эса улоқдаги энг зўр отлардан устун келади. Ҳаётда ҳам шундай кишилар кўп. Биз уларнинг камтарин, камсуқум аммо ўзимиздан устун эканлигига эътиборсизлик қилиб, кейин ҳижолатда қоладиган пайтимиз ҳам кўп бўлади. Адиб Кўктой от орқали ана шу масалани илгари суради ва бизни сгоҳлантиради, хушёр этади.

Тўпламдаги «Дард», «Кўприк», «Бир шингил табассум» ва бошқа ҳикоялар заминида ҳам кишига айтадиган гап бор.

Умуман, Уткир Ҳошимовнинг мазкур тўпламига кирган барча ҳикоялар кишида илиқ таассурот қолдиради, китобхонни ўзига тортади, яъни жозибадор. Жозибадорликнинг сири шундаки, ҳикояларнинг ҳаётий мантиқ асосига қурилганлиги, шунингдек, уларнинг заминида кишига айтадиган салмоқли фикр борлигидадир.

Ҳакимжон КАРИМОВ,
филология фанлари кандидати.

И. А. ЦОЙ

Шу йил 24 декабрда узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 1925 йилдан КПСС аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг собиқ раиси Иван Антонович Цой вафот этди.

И. А. Цой 1901 йилда Приморье ўлкасининг Уссурийск областидаги Пуциловка қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Унинг меҳнат фаолияти 1917 йилдан бошланди.

У 1929 йилда Плеханов номли Москва халқ хўжалиги институтини тугаллагач, Москва ва Сахалиндаги Александровскда ишлади. 1931 йилдан 1940 йилгача Приморье ўлкасида раҳбар партия ва хўжалик ишларида ишлади.

1940 йилда Ўзбекистонга кўчиб келгач, И. А. Цой Янгибозор луб заводида экономист бўлиб ишлади. 1942 йилда Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхози раисининг ўринбосари, 1950 йилда шу колхоз раиси қилиб сайланди. Шу лавозимда у 23 йил ишлади.

Шу йиллар И. А. Цой ўзининг тажрибали раҳбар, моҳир ташкилотчи эканлигини кўрсатди. Унинг раҳбарлигида «Правда» колхози йирик, кўптармоқли, юксак рентабелли хўжаликка айланди.

Коммунист раҳбар олийжаноб хислатлари, сезгирлиги, кишиларга меҳрибонлиги билан ўзи билан ишлашган ва уни билган кишиларнинг ҳурматига сазовор бўлди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати И. А. Цойнинг хизматларини юксак баҳолади. У Ленин ордени, уч марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар билан тақдирланди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги жуда катта хизматлари учун унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

Партиянинг содиқ фарзанди Иван Антонович Цойнинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

ҲАЙВОНЛАР ИНСОН ХИЗМАТИДА

Голландияда қизиқарли бир тажриба ўтказишди. Помидор ўстирилаётган майдонларга қуёнларни қўйиб юборишди. Қуёнлар бегона ўтларни қириб ташладилар, лекин помидор поясига ҳеч тегишмади. Чунки помидор поясининг мазаси уларга ёқмас экан. Шундай тажрибадан сўнг Европадаги йирик теплицалардан бири 75 та узунқулоқ «ёрдамчи»ни доимий ишга қабул қилди.

Венгриянинг Дорог шаҳридаги фармацевтика фабрикасида иккита тўтиқуш хизматчилик штатига қабул қилинди. Бу паррандалар жуда ҳам хавфли модда — синиль кислотаси ишлаб чиқариладиган цехда хизмат қилмоқда. Тўтиқушлар ҳавода заҳарнинг жуда ҳам озгина концентрацияси пайдо бўлиши билан дарҳол безовталаниб, шу ҳақда хабар беради. Шундан сўнг маҳсулот ишлаб чиқариш тўхтатилади ва хавфли моддаларнинг оқиб чиқиш сабаблари аниқланиб, бартараф этилади.

Таиланд ва Малайзияда ўнлаб минг макака маймунлари кокс ёнғоқларини йиғувчи бўлиб ишлашади. Улар дарахтнинг юқори шохларига жуда осонлик билан чиқади ва у ерда қўллари билан шохларни ушлаб, оёқлари билан меваларни қоқади. Бу чаққон ҳайвон бир кунда ўнлаб кокс пальмаларининг ҳосилини йиғиштириб олади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — АБВГДейка. 11.00 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.30 — Музикали программа. 12.00 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 12.30 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 13.05 — Концерт. 13.35 — Китоб дўкони. 14.20 — Музикали композиция. 15.50 — **Маша ва Витянинг Янги йил саргузаштлари** (бадиий фильм). 17.05 — «Спортлото» тиражи. 17.15 — «Здоровье». 17.45 — Мультфильмлар. 18.15 — «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 19.00 — Янгиликлар. 19.20 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 20.20 — **Тақдир ҳазили** (бадиий фильм, 1-серия). 22.00 — «Вақт». 22.30 — **Тақдир ҳазили** (бадиий фильм, 2-серия). 23.55 — Хоккей: ЧССР — КАНАДА. 3-бўлим, **Бокс** (финал мусобақаси).

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20 — **Телеминиатюралар.** 11.00 — Концерт. 11.55 — Қўғирчоқ фильм. 12.50 — Ўзбек шоирларининг янги таржималари. 13.20 — Ота-оналар учун консультация. 13.50 — Спорт йили якунлари. 14.20 — Кўча ҳаракати хавфсизлиги учун: 17.05 — Телефильм. 17.15 — До-ре-ми-фа-соль. 17.45 — «Советский воин». 18.35 — **«Ахборот».** 18.50 — **Оталар сўзи — аҳлнинг кўзи.** 19.40 — **«Ахборот».** 20.00 — Меҳнат шон-шуҳрати экрани. 22.00 — **«Вақт».** (Москва). 22.30 — **Икки дил достони** (бадиий фильм).

26 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРММАСИ

10.00 Янгиликлар. 10.10 — Зарядкага сафланинг. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — Бутун дунёда бахт-саодат учун. 13.00 — Музикали киоск. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.25 — Киножурнал. 14.40 — **Диканка қишлоғининг оқшомлари** (бадиий фильм). 15.55 — Ёзувчиларнинг колхоз меҳнаткашлари билан учрашуви. 17.10 — Мультфильмлар. 17.40 — Халқаро панорама. 18.25 — Концерт. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 20.15 — Фильм-концерт. 20.35 — В. Каверин ва Е. Ованесян. «XII аср мактублари» (телеспектакль). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Сизнинг фикрингизча.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20 — Концерт. 10.55 — «Шоирлар — болаларга». Эркин Самандаров. 11.25 — **Пушчик Прагага борди** (бадиий фильм). 12.50 — **Оталар сўзи — аҳлнинг кўзи.** 13.40 — Ота-оналар учун консультация. 14.10 — Киноэкран янгиликлари. 17.35 — Телефильм. 17.55 — Янгра, барабан! 18.25 — **«Ахборот».** 18.40 — Турмуш ва маданият. 19.10 — **«Ахборот».** 19.30 — Меҳнат шон-шуҳрати экрани. 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — **Телеминиатюралар.** 23.10 — Цирк программаси.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/XII да **Флория Тоска,** 26/XII да **Улик малика ва етти баҳодир ҳақида эртак** (12.00), **Севги ҳақида қисса** (премьера, 19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25, 27/XII да **Олтин девор.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА 25/XII да **«Гулбаҳор қани?»,** 26/XII да **Гулбаҳор қани?»,** (12.00), **Комедия, комедия, ёҳуд ҳангома** (19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 25, 28/XII да **Ишқ қурбонлари.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 25/XII да (15.00, 19.30), 26/XII да (11.00, 15.00, 19.30) **Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист ЭМИЛЬ КИО РАҲБАРЛИГИДАГИ ЙИРИК ИЛЛЮЗИОН РЕВЮНИНГ ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ.**

Кино

Кромвель — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Чанитанинг бўсаси — «ЧАНКА» (жуфт соатларда).

Кўзларингга мафтунман — «ҚОЗОҒИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

Энди сизни ким деб аташ мумкин — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда).

Телбалар суди — «МОСКВА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Оқ кема (11, 13.00), **Қора атир гул** (15, 17 19, 20.45) — «НУҚУС».

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся. БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142,

Р 02809. Ўзбекистон Компартиясининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64583. 8.2696.